



ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ИМКОНияТЛАРДАН ТўЛА ФойДАЛаниш Халқимиз фаровонлигини янада Юксалтиришга хизмат қилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга ошириляётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, янги лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 22 июнь куни Фарғона вилоятига ташриф буюрди.

Фарғона вилояти ўзининг ер ости ва ер усти бойликлари, ривожланган саноат ва коммуникация тармоқлари билан мамлакатимиз таракқиётида алоҳида ўрин тутди. Жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 6,1 фоиз ўсди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, қурилиш, хизматлар кўрсатиш соҳаларида барқарор ўсиш сурьатлари таъминланди.

Саноат маҳсулотининг 96 фоиздан ортиги кимё, нефть-кимё, энгил сано-

ат, озиқ-овқат саноати, машинасозлик ва қурилиш материаллари тайёрлаш каби замонавий тармоқларда ишлаб чиқарилмоқда. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, "Фарғонаазот", "Автоойна", Қўқон механика заводи, "ДЭУ текстиль Фарғона", "Қўқон Индорама текстиль" каби йирик саноат корхоналари нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўрин эгаллайди.

Замонавий саноат тармоқларини ривожлантириш, халқаро бозорда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилиш ти-

зимли равишда давом эттирилмоқда. Экспорт қилувчи корхоналар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятига кенг жалб этиляётгани самарасида вилоятнинг бу борадаги салоҳияти мутасил ошиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги фармонига асосан ташкил этиляётган "Қўқон" эркин иқтисодий зонаси бу борадаги имкониятларни янада кенгайтиради.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланмоқда. Бу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 62 фоизга, экспортдаги улуши 58 фоизга етган. Меҳнат билан банд аҳолининг 81 фоизи шу соҳада ишламоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Ўз миллий тарихи ва маданиятига, дунёда энг катта бойлик бўлган интеллектуал ва маънавий салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш, уни асраб-авайлаш ва бойитиш, шу асосда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш жаҳондаги ҳар бир давлат ва жамиятнинг моддий ва маънавий таракқиётида, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

Шу борада дунё тарихида илк Шарқ Уйғониш даври — Мусулмон Ренессанси деб ном олган ўрта асрлар ва ундан кейинги замонларда бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти, муқаддас ислом дини ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган. Хусусан, IX-XI асрларда Хоразмда ташкил этилган

Маъмур академияси ва "Байт ул-хикма", яъни "Донишмандлик уйи" деган ном билан шўҳрат қозongan Бағдод академиясида, XV асрда Самарқандда шаклланган Мирзо Улугбекнинг илмий мактабида самарали меҳнат қилган олимлар, ўтмишда юртимизда ислом динининг мазмун-моҳиятини чуқур тадқиқ қилиш ва тарғиб этиш бўйича бетақдор асарлар яратган уламолар бутун дунёга донг таратганлар.

Ўрта асрларнинг илк даврида улуг' аждодларимиз томонидан математика, астрономия, физика, кимё, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ фанлар билан бирга, тарих, география, фалсафа, маданият ва санъат, архитектура соҳаларида яратилган буюк илмий ғоя ва кашфиётлар жаҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожига кескин бурилиш ясади.

(Давоми 5-бетда.)

"Бизни ҳамisha ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала — бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқароши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким — ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айна пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуг' зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо аксадо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан".

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ёхуд «маънавий тиббиёт» услуглари ҳақида

2017 йил 2 июнь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилояти фаоллари билан учрашувида маънавий-маърифий соҳадаги амалдаги ҳолат билан бериляётган расмий ҳисоботлар орасидаги тафовут очиб берилди. Ҳақиқатан ҳам мажлис чуқур танқидий, таҳлилий руҳда ўтди.

Президентимиз бир масъулдан "Агар хохласа, соҳадаги муаммоларни ҳал қилса

бўлармиди?", деб сўрадилар. "Ҳа", деган жавоб олинди. Ана шунда: "Унда нега хохлама-яписиз?", деган куюнчак савол ҳаммани ўйга толдирди. Ҳар бир киши ўзидан "Бу савол менга берилганида, нима деб жавоб берар эдим?", деб сўради. Чунки бу савол — ҳар биримизнинг Ватанга, бурчга муносабатимизни ё садокат, ё хиёнат масаласи даражасига кўтариб қўйди.

(Давоми 8-9-бетларда.)

Абитуриентларга барча қулайлик яратилган



Президентимизнинг жорий йил 5 майдаги "2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги қарори асосида Навоий давлат педагогика институти қабул комиссияси томонидан абитуриентларга ҳар томонлама қулай-

лик яратиш чора-тадбирлари кўрилди. Комиссия ҳузуридаги маслаҳат гуруҳлари ёшларга қабул тартиби бўйича зарур тушунчалар бермоқда.

— Педагогика соҳаси учун етук мутахассислар тайёрланадиган таълим масканимизда ёшларнинг замонавий билим олиши учун бар-

ча шароит яратилган, — дейди институт қабул комиссияси масъул котиби Илхомжон Рўзиев. — Жорий ўқув йилида бакалавр йўналишига 1 минг 560, магистратура босқичига 38 нафар йигит-қиз қабул қилиниши белгиланган.

Сирож АСЛОНОВ
(ЎЗА) олган сурат.

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНИШ ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИгини ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Вилоятнинг омилкор деҳқон ва фермерлари қишлоқ хўжалигида улкан натижаларга эришмоқда. Такрорий экинлардан, томорқадан унумли фойдаланиб, қўшимча даромад топмоқда.

Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида мамлакатимизнинг барча ҳудуди каби Фарғона вилояти ҳам ҳар томонлама ривожлантириш, иқтисодий ва модернизация ва диверсификация қилиш, улкан бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, аҳоли ҳаёт даражасини юксалтириш борасида аниқ режа ва мақсадлар баён этилган эди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона асаларичилик ишлаб чиқариш ўқув марказига ташриф буюрди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ишлорлар бозорларимизнинг тўқинлигини таъминлаш, аҳолига сифатли, арзон ва сервитамин озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришга хизмат қилаётди. Асаларичиликни янада ривожлантириш, соҳадаги илғор тажрибаларни кенг оммалаштиришга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда.

Вилоят асаларичилар уюшмаси қошида ташкил этилган мазкур ишлаб чиқариш ўқув марказида барча шароит яратилган. Марказда йилига 600 нафар мутахассис ўқитилади. Замонавий ўқув режа асосида олимлар томонидан амалиёт дарслари ўтилади.

Шавкат Мирзиёев марказда амалиёт ўтаётган коллеж ўқувчилари билан Фарғона асаларичилиги тарихи, асалнинг шифобахш хусусиятлари, таълим жараёнида олиб борилаётган ишлорлар ҳақида суҳбатлашди.

Фарғона туманидаги технология касб-хунар коллежи ўқувчилари Ботирали Мавлонов ва Дилнавоз Эшматов Президентимизга ёшларга яратиб берилаётган имконият учун миннатдорлик билдирди.

Вилоятда 1000 дан ортиқ асаларичилик субъекти рўйхатга олинган. Ички бозорни арзон, сифатли маҳсулот билан таъминлашга қаратилаётган алоҳида эътибор шифобахш табиий нёъмат ишлаб чиқаришни кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Марказда илмий-тадқи-

қот лабораторияси, тренинг заллари, кутубхона, электрон архив базаси, асални қайта ишлаш ва қадоқлаш цехи, тикувчилик, мум-парда, асбоб-ускуна ва асалари уяси ишлаб чиқариш цехлари фаолият юритмоқда. Асаларичиликда наслчилик лабораторияси, қарийб 2 гектар экспериментал bog ва асал берувчи ўсимликларни етиштиришга мўлжалланган экин майдони ташкил этилган.

Фарғона давлат университетида асаларичилик бўйича мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш керак, деди давлатимиз раҳбари. Агар мазкур соҳанинг илмий асослари пухта ўргатилса, бошқа вилоятлардан ҳам ёшлар ўқишга келади. Хорижий давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, қўшма корхона ташкил қилиш лозим.

40 кишининг бандлиги таъминланган марказда бир йилда 7 минг дона асал уяси, 7 минг 500 дона ёстиқча, 3 минг дона маҳсул кийим ва юз ниқоби ишлаб чиқарилади.

Бир кечаю кундузда 200 килограмм мум-парда тайёрланади. 200 тонна асални қадоқлаш цехи ишлаб турибди. 2016 йилда вилоятларга 20 минг дона, чет давлатларга 30 минг дона сифатли асалари пакетлари етказиб берилди.

Шавкат Мирзиёев асалари уялари ва ускуналари ишлаб чиқариш цехида олиб борилаётган иш жараёни билан танишди.

Шу ерда Халқ банки томонидан вилоятда амалга оширилаётган лойиҳалар тақдироти ҳам ўтказилди.

Қўштепа туманида ташкил қилинадиган 2 минг бош қорамол боқишга мўлжалланган чорвачилик комплекси ва сутни қайта ишлаш лойиҳаси 2018 йилнинг учинчи чорагида тўла қувват билан ишга туширилади. Комплексида 180 киши иш билан таъминланади. Йилига 4 минг тоннадан ортиқ сут, 150 тонна гўшт қайта ишланади.

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси томонидан Фарғона вилоятида 2017—2021 йилларда ипакчиликни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилгани маъқулланди.

Пиллачиликни янада ривожлантириш учун тут плантацияларини ташкил қилиш керак. Соҳага замонавий

технологияларни жорий этиш, пиллачиликда аҳолининг доимий иш билан таъминланишига эришиш лозим.

Президентимиз Фарғона туманидаги “Миндонобод агросаноат” агрофирмасига ташриф буюриб, вилоят қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Мамлакатимизда сифатли мева-сабзавот етиштириш ва аҳолининг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш юзасидан кенг ўйламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, узум етиштиришни кўпайтириш, маҳсулотни экспорт қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

“Миндонобод агросаноат” агрофирмаси узумчиликка ихтисослаштирилган бўлиб, 720 гектарга саноатбоп узум навлари экилган. Корхона йилига 5 минг тонна маҳсулот етиштириш, 3 минг тонна узумни бирламчи қайта ишлаш, 650 минг дона брикет ишлаб чиқариш қувватига эга. Бунинг учун 89 киши доимий, 300 дан ортиқ киши мавсумий ишга жалб этилган. Токзорларни парваришда томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланилади.

Агрофирма томонидан мавжуд токзорларни минг гектарга етказиш орқали йилига 15 минг тонна узум етиштириш, 1 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотни экспортга йўналтириш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун 450 минг туп ток қаламчиси ўтказилиб, Хитойнинг қуёш энергиясида ишлайдиган суғориш тизимлари ўрнатилади. Ушбу лойиҳа тўла ишга тушгач, 250 киши иш билан таъминланади.

Давлатимиз раҳбари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун барча имкониятлар яратилганини, куни кеча эълон қилинган “Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор соҳа вакиллари фаолияти самарадорлигини

оширишга хизмат қилиши таъкидлади.

Фарғона вилоятида тадбиркорлик илмини эгаллаган урдабурон ишбилармонлар кўп. Аммо одамлар ҳаммаша ҳам меҳнатига яраша даромад олмаган. Бу адолатсизликка чек қўйиш керак. Янги қарор билан яратилаётган имтиёзлар уларнинг қилаётган ишдан манфаатдорлиги орттиришга, ўзи, оиласи ва жамият учун фойда келтиришига, фаровон ҳаётга эришишига хизмат қилади, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда “Ўзвирносаноат холдинг” компанияси томонидан 2017-2018 йилларда Фарғона вилоятида амалга оширилаётган лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди. Компания томонидан тижорат банклари билан ҳамкорликда қиймати 63 миллиард 256 миллион сўмлик 6 лойиҳани амалга ошириш, 200 га яқин иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда. Натижада вилоятда бўш ётган ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш бўйича йирик қувватлар ташкил этилади, экспорт ҳажми ортади.

Қува туманидаги “Big agro logistic” масъулияти чекланган жамияти томонидан мева-сабзавотни қайта ишлаш, қуритиш, қадоқлаш ва экспорт қилишга мўлжалланган замонавий логистика маркази ташкил этилмоқда.

Лойиҳанинг умумий қиймати 7,2 миллион доллар бўлиб, биринчи йилда 6,5 миллион доллар, беш йилдан сўнг 10 миллион доллар миқдоридagi маҳсулот экспорт қилиш мўлжалланмоқда. Логистика марказига Италия ва Туркиядан келтирилаётган технологик линиялар ўрнатилади. 5 минг тонналик совутгич, 7 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватлари ташкил этилади. Лойиҳа ишга тушгач, 180 иш ўрни яратилади.

Қўқон шаҳридаги “Elit conserva” масъулияти чекланган жамиятида мева-сабзавотни қадоқлайдиган туноқа идишлар ва қопқоқлар ишлаб чиқариш, Олтиариқ туманидаги “Есо Export Trade” масъулияти чекланган жамиятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш, қуритиш ва сақлашга мўлжалланган лойиҳалар амалга оширил-

моқда. Мазкур лойиҳалар вилоят экспорт салоҳиятини янада юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини оширишда алоҳида аҳамиятга эга.

Бу йил Қува туманидаги “Фарғона анорзори” масъулияти чекланган жамиятида 50 гектарда янги анорзор барпо этилган. Анорзор қатор ораларига помидор, бодринг, булғор қалампери ва бошқа сабзавотлар, дук-какли экинлар экилган.

Агрофирма томонидан келгуси йилларда анорзорларни 2 минг гектарга, ҳосилдорликни 30 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

Президентимиз Қува ва Дашнобод анори дунёга машhur экани, хар иккала навинг ўзига яраша хусусиятлари мавжудлигини таъкидлади. Анор чиқитсиз маҳсулот бўлиб, пўстлогидан кимё саноатида ранг олишда, фармацевтикада хомашё сифатида фойдаланиш мумкин. Вилоятда анорзорларни кенгайтириш ва ушбу маҳсулот экспортини кўпайтириш юзасидан мутасаддиларга тегишли тавсиялар берилди.

Миллий банк томонидан вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар намоийш қилинди. Қиймати 64,4 миллион доллар бўлган ушбу лойиҳалардан 10 таси Хитой давлат тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан молиялаштирилган. Қолган 5 лойиҳани йил охирига қадар молиялаштириш кўзда тутилган. Бунинг самарасида 2017-2018 йилларда 68 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот қайта ишланиб, 25,7 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади.

Давлатимиз раҳбари Учкўприк туманидаги собиқ консерва заводи негизда амалга оширилаётган лойиҳани ҳам кўздан кечирди.

Лойиҳа ташаббускори “Воллея Моунтаинс Фреш” масъулияти чекланган жамияти бўлиб, 10,5 миллиард сўм, жумладан, “Ипотекабанк”нинг 7,4 миллиард сўмлик кредити ҳисобида корхонанинг мавжуд қувватлари модернизация қилинади, мевани сақловчи музлатгич ва қадоқловчи ускуналар ўрнатилади.

(Давоми 3-бетда.)

2017-yil 24-iyun, № 50 (9011)

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ИМКОНияТЛАрдАН ТўЛА ФойДАЛАНИШ ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда.)

2018 йилнинг биринчи чорагида лойиҳанинг биринчи босқичи, тўртинчи чорада иккинчи босқичи ишга туширилади. Натижада минг тонна томат пастаси, шунча пюре ва концентрат, мева-сабзавот консервалари аҳоли истеъмоли учун етказиб беради. Маҳсулот экспортга ҳам йўналтирилади. Лойиҳа 170 кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Президентимиз вилоятда қайта ишлаш саноатини ривожлантириш учун барча имконият, ҳомашё ва ишчи кучи мавжудлигини таъкидлади. Улардан унумли фойдаланиш, тармоққа тадбиркорларни кенг жалб этиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари Эркин Воҳидов номидаги Марғилон шаҳар маданият ва истироҳат боғини реконструкция қилиш лойиҳаси билан танишди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ўзбек адабиётининг йирик вақили ижодий меросини ўрганиш, мазмун-моҳиятини ёшларга етказиб боради кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз бўйлаб шоирнинг 80 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Марғилон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғига Эркин Воҳидов номи берилиб, қайта реконструкция қилинмоқда.

Истироҳат боғининг майдони 9 гектардан 16 гектарга кенгайтирилди. Боғнинг кириш қисмида ёзувчи-ижодкорлар хиббонини ташкил этиш, Эркин Воҳидов ҳайкалинини ўрнатиш кўзда тутилган.

Турли тадбирлар ўтказиладиган амфитеатр, ош маркази ва бошқа инфра-тузилма объектлари барпо этиш белгиланган. Эркин Воҳидов номидаги ёш ижодкорлар мактаби очилади. Боғда турли аттракционлар ўрнатилиб, бир неча чойхона аҳолига хизмат кўрсатади.

Президентимиз қаҳрамон шоиримиз номи билан аталадиган ушбу боғ ҳар томонлама мукамал бўлиши, уни ёшлар маънавиятини юксалтирадиган масканга

айлантириш, хиббонга Эркин Воҳидовнинг энг сара шеърларидан намуналар ёзилган лавҳалар ўрнатиш зарурлигини таъкидлади. Бу ерга келувчилар Эркин Воҳидов шеърларидан баҳраманд бўлсин, маънавий оламини янада бойитсин.

Шу ерда Фарғона вилояти шаҳарлари ва туман марказларини замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида ривожлантириш бош режаси, Марғилонда туризмни ривожлантириш дастури, тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар тақдироти ҳам бўлиб ўтди. Дастур доирасида уй-жой қуриш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация тизимлари, ижтимоий соҳа инфратузилмасини янада ривожлантириш соҳаларида ўнлаб лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари Марғилон хунармандлар марказини ташкил этиш, соҳа ходимлари учун қулай солиқ имтиёзлари, зарур шарт-шароитлар яратиш, бошқа лойиҳаларни ҳам янада мукамаллаштириш, қурилиш ишларини ўз вақтида амалга ошириш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

22 июнь куни Марғилондан Қўқонга илк бор электропоезд ҳаракати йўлга қўйилди. Президентимиз ушбу поездда Қўқонга келди. Қўқон шаҳридаги "Шаффоф метан саноат" масъулияти чекланган жамиятида иқтисодий лойиҳалар билан танишди.

Халқимиз фаровонлиги юксалгани сари мамлакатимизда транспорт воситалари кўпайиб бормоқда. Уларнинг ёқилғига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида сиқилган ва суюлтирилган газ баллонлар ишлаб чиқариш кенгайтирилмоқда.

"Шаффоф метан саноат" МЧЖ томонидан шу йўналишдаги замонавий корхона ташкил этиш режалаштирилган. Бунинг учун эски "Қўқонмаш" заводининг бўш турган биноларида замонавий технология ўрнатилади. Йилига 100 минг дона газ баллонини ишлаб чиқариш ва автотранспорт воситаларига ўрнатиш йўлга қўйилади. Корхонада 30 иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу маҳсулотларга бўлган талаб билан қизиқди. Газ билан юрадиган транспорт воситалари кўпайса, бензин ва дизель ёқилғисига талаб камаяди. Натижада соҳадаги хизматлар арзонлашади, имкониятлар кенгайди.

Маҳсулот таннархини арзонлаштириш, ишлаб чиқаришни икки баробар ошириш, соҳага ихтисослашган мутахассислар тайёрлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Қўқон шаҳрида хунармандликни ва туризмни ривожлантириш борасида ҳам қатор лойиҳалар белгиланган. Жумладан, хунармандлик ва заргарлик марказлари ташкил этиш, замонавий меҳмонхона қуриш режалаштирилган. Улар қатор солиқ имтиёзларига эга бўлади, аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Шаҳарда амалга оширилиши режалаштирилган яна бир лойиҳа — Wi-Fi тармоғини барпо этиш лойиҳаси аҳоли ва сайёҳларга қўшимча қулайлик яратади.

Лойиҳалаштирилган тиббий хизмат ва стационар даволаш маркази инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган. Бу ерда АҚШнинг "Женерал электрик" компаниясининг замонавий тиббий жиҳозлари ўрнатилади. Марказ йилига 25 минг 500 кишини даволаш, 500 жаррохлик амалиёти ўтказиш имкониятига эга бўлади.

Президентимиз аҳоли саломатлиги билан боғлиқ бу мажмуа қурилишини тезлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев "Имано групп" корхонаси негизда полиуретан қопламали тайёр чарм ишлаб чиқариш инвестиция лойиҳаси билан танишди. Лойиҳа амалга оширилгач, 250 иш ўрни ташкил этиш имконияти яратилади.

Бу соҳадаги мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланмаяпти, деди давлатимиз раҳбари. Тизимдаги корхоналарни барқарор ҳомашё билан таъминлаш зарур. Хом тежини йиғиш, сифатли тайёрлаш ва қайта ишловчиларга етказиб беришга ихтисослашган корхоналар ташкил этиш керак.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, Қўқонда эркин иқтисодий зона барпо қилинмоқда. Ушбу ҳудудда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Иқтисодий зонага хорижий технология ва инвестицияларни жалб этиш, талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича чора-тадбирлар белгиланган бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу ерда тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган, чиқиндиларни комплекс бошқариш кластерини ташкил этишга қаратилган лойиҳалар ҳам намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари Қўқон шаҳар театрини бориб кўрди. Мамлакатимизда маданият ва санъатни янада ривожлантириш, соҳанинг моддий-техника базасини замон талаблари асосида мустаҳкамлаш орқали аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришга устувор аҳамият қаратилмоқда. Президентимизнинг жорий йил 31 майдаги "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Қўқон шаҳар театри 1987 йилда қурилган. Театр биноси, жумладан, 750 томошабинга мўлжалланган зал замонавий таъмирланган.

Президентимиз ижодкорлар билан мулоқотда театрининг халқ орасидаги обрўи ва нуфузини янада ошириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Театрни ҳақиқий маънавият ўчоғига айлантириш учун аввало яхши асарлар керак, деди давлатимиз раҳбари. Бунинг учун бу ерда таниқли санъат намояндалари, драматурглар билан учрашувлар ташкил этиб, ижодий муҳит яратиш зарур.

Ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, улар учун алоҳида кўп қаватли уй-жой бунёд этиш, театрининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича кўрсатмалар берилди. Ак-

тёр ва режиссёрларнинг малакасини ошириш, ёш мутахассислар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Фарғона филиали тажриба хўжалигида бўлиб, ғалла ўрими ва ғўза парваришини кўздан кечирди.

Фарғоналик деҳқонлар азалдан пахта ва ғалла етиштириш, боғдорчилик соҳасида катта тажриба тўплаган. Ғалла ўрими қизгин давом этмоқда. Ғўза парвариши агротехник тадбирлар асосида олиб борилмоқда.

Мазкур тажриба хўжалигида 21,3 гектарда ғўзанинг "ЎЗФА-710", 9,2 гектарда ғалланинг "Яскарт" нави экилган. Хўжаликда йигирмадан зиёд киши меҳнат қилади. Давлатимиз раҳбари ғалла йиғим-теримида иштирок этаётган фермерлар билан мулоқот қилди.

Нон — энг азиз неъмат. Ғаллачиликни ривожлантириш, истиқболли, серҳосил навларни яратиш, ҳосилдорликни ошириш бўйича барча чорани кўриш олимларимиз ва деҳқонларимиз олдидаги муҳим вазифалардандир. Бунинг учун фан ва амалиёт ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш зарур, деди Президентимиз.

Фарғона шаҳрида Президентимиз раислигида мутасадди раҳбарлар ва вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда вилоят иқтисодиётини янги босқичга кўтариш, инфра-тузилмани ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу тадбирларда 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастуридаги мақсад-вазифалар ўз ифодасини топди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи давом этмоқда.

АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШ — ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Авал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, инвестиция лойиҳалари ижросининг бориши билан яқиндан танишиб, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 22-23 июнь кунлари Фарғона вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташрифнинг биринчи кунини қишлоқ ҳўжалиги қорхоналари ташкил этиши, иш ўринлари яратиш, илм-фан ва маданиятни ривожлантириш, вилоят экспорт салоҳиятини ошириш бўйича янаги лойиҳалар билан танишиб, мутахассислар, тадбиркорлар, фермерлар билан суҳбатлашди. Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича йиғилиш ўтказди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташрифнинг иккинчи кунини Фарғона шаҳридаги Нурунийлар масканини бориб кўрди. Мамлакатимизда нурунийларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, турмуш шароитини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Жойларда фахрийларнинг вақтинчи мазмунли ўтказиши учун барча шароит яратилмоқда. Фарғонадаги Нурунийлар маскани Ал-Фарғоний номидаги маданият ва истироҳат боғида барпо этилган. Бу ерда кексалар учун зарур бўладиган барча жиҳатлар эътиборга олинган. Ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари билан бойитилган кутубхона, замонавий жиҳозланган спорт зали, тиббиёт хонаси, фойтобар, чойхона нурунийлар хизматида.

Моҳир хунармандлар кўлида сайқал толган айвонлар, нақшинокор устунлар ижтимоий марказ хуснига ҳусн қўшган.

Президентимиз бу ердаги шароитларни янада яхшилаш, хусусан, кексалар учун автобус ажратиш зарурлигини таъкидлади. Нурунийлар ёшлар билан ишлашининг изчиллигини таъминлаш, жамиятимиз маънавий барқарорлигини мустаҳкамлашда уларнинг ўрнини ошириш бўйича тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона механика заводи ҳудудига кичик саноат зонаси ташкил этиши, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳалари билан танишди.

Ҳозирги кунда қорхонада 36 турдаги саноат маҳсулоти ва 31 турдаги халқ истеъмолчи товарлари ишлаб чиқарилмоқда, 330 ишчи меҳнат қилмоқда.

Қорхонанинг бўш турган бино ва иншоотларини тадбиркорларга имтиёзли шартларда бериш, ички ва

ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашни кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратиш мақсадида бу ерда кичик саноат зонаси ташкил этилмоқда.

Саноат зонасида йилга 300 тонна антифриз, 200 тонна ойна ювиш суюқлиги, 10 минг дона тормоз колдаси ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Қиймати 38,5 миллиард сўм бўлган ушбу лойиҳани 2018 йилнинг учинчи чорагида тўлиқ ишга тушириш мўлжалланмоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 45 фоизи экспортга йўналтирилди.

Лойиҳанинг биринчи босқичида 200 иш ўрни яратилади. Бозор талабларидан келиб чиқиб, келгусида кўшимча иш ўринлари ташкил этилади.

Фарғона шаҳридаги "Мадад" масъулияти чекланган жамияти томонидан суолтирилган газ учун цистерналар ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ташишга мўлжалланган тиркамалар ишлаб чиқариш лойиҳаси тақдимоти ўтказилди. Лойиҳа қиймати 40 миллиард сўм бўлиб, 30 миллиард сўми «Капиталбанк» акциядорлик тижорат банки кредити, қолгани қорхонанинг ўз маблағидир.

Қорхона 2018 йилда тўлиқ қувватда ишга туширилади. 2020 йилда бу ерда экспорт ҳажмини йилга 1,5 миллион долларга етказиш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари мазкур қорхона маҳсулотлари намуналарини кўздан кечирди. Суолтирилган газни истеъмолчиларга етказиб берувчи мослама ва тиркамаларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулотларни ташқи бозорга ҳам йўналтириш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимиз иқтисодий тармоқлари жадал ривожланиши натижасида электр энергиясига бўлган талаб ортиб бормоқда. Фарғона политехника институти вилоятдаги ишлаб чиқариш қорхоналари билан ҳамкорликда МикроГЭС илмий-ишлаб чиқариш қорхонаси лойиҳасини тақриф этмоқда.

МикроГЭС халқаро таснифга асосан қуввати 0,1 кВтдан 100 кВтгача бўлган гидроэнергетик қурилма бўлиб, у асосан гидротурбина, тасмали ва редукторли узатмалар ҳамда асинхрон генератордан иборат. МикроГЭС экологик тозаллиги, арзонлиги, технологик жиҳатдан тайёрлаш ва эксплуатация қилиш осонлиги билан ажралиб туради. Лойиҳада микроГЭСлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва ҳаёта татиқ этиши, Фарғона политехника инсти-

тутида гидроэнергетика соҳаси мутахассисларини тайёрлаш кўзда тутилган.

МикроГЭСнинг қуввати 50 кВт бўлган 2 тажриба нусхаси институт олимлари томонидан "Фарғонаазот" АЖ ва Марғилон трактор таъмирлаш қорхонаси билан ҳамкорликда Фарғона шаҳридан ўтувчи Марғилонсойга қўйилиб, тажриба-синовдан ўтказилмоқда. МикроГЭСлардан олинаётган электр энергияси шаҳарнинг Каштанзор кўчаси, «Марғилонсой» тантаналар уйи ва "Ҳамкорбанк" ҳудудларини ёритишда ишлатилмоқда.

Фарғона вилояти сув ҳўжалиги мутахассислари билан биргаликда вилоят ҳудудидан ўтувчи сой ва каналларнинг гидрологик таснифлари ўрганилиб, дастлабки босқичда 230 жойда қуввати 50 кВтлик микроГЭСлар ўрнатиш режалаштирилган. Режа амалга ошгач, ушбу микроГЭСлардан олинган қувват вилоятда бир йилда сарфланаётган электр энергиясининг 2 фоизини ташкил этади. Бу йилга 17 миллиард сўмлик электр энергияси тежаланиб, дегадир.

Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳа илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиш борасида олиб борилаётган ишларнинг яққол намунаси эканини таъкидлаб, микроГЭСлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бошқа ҳудудларга ҳам жорий этиш бўйича тавсиялар берди.

Шу ерда Фарғона шаҳридаги "Осиё олмос файз" қорхонасининг лок-бўёқ, темир ва бетон кесиш мосламаларини тайёрлаш, "Tugon mega fauz" жамиятининг гипсокартон, ПВХ гранулалар, ПВХ плёнка ва пластмасса буюмлар, "Uzsalaman" қўшма қорхонасининг эркаклар, аёллар ва болалар пойабзаллари, "Big Bilding Capital Group" қорхонасининг саноат чангини ушлаб қолувчи фильр материаллари, иссиқхона каркас қисмлари ишлаб чиқариш лойиҳалари, "Ўзфармасаноат" акциядорлик концерни томонидан 2017-2018 йилларда вилоятда фармацевтика саноатини ривожлантириш манзилли дастури тақдимотлари ўтказилди.

Президентимиз барча лойиҳалар бўйича фикр билдириб, уларни янада такомиллаштириш, амалга ошириш жараёнларини тезлаштириш, иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларини яхлит транспорт-коммуникация тизимига боғлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолига кенг қулайлик яратиш мақсадида янги темир йўллар қурилиб, янги йўналишлар ташкил этилмоқда.

22 июнь куни Марғилон ва Кўкон шаҳарлари ўртасида ilk бор электр чика қатнови йўлга қўйилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ушбу поездда Марғилондан Кўконга келди. Бу турдаги замонавий транспорт ҳаракати Фарғона водийси ҳаётида тарихий воқеа бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган ушбу электр чика ҳаракати яқин кунларда янада кенгайди ва Кўкон, Марғилон, Андижон шаҳарлари ўртасида қатнай бошлади. Бу аҳоли учун жуда катта қулайлик яратди. Ушбу транспорт замонавий, тезюрак, қулай, хавфсиз. Қишда иссиқ, ёзда салқин, ҳар қандай об-ҳаво шароитида барқарор юради. Соатига 120 километргача тезликда ҳаракатлана олади. Ҳар бир электр чика 6 вгондан иборат.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимиз темир йўл тармоғини модернизация қилиш, аҳолига қулай, арзон ва хавфсиз транспорт хизмати кўрсатиш йўлида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Фарғона водийсининг йирик шаҳарлари ўртасида электр чикалар ҳаракати йўлга қўйилаётгани бу борадаги муҳим қадамлардан бўлади.

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан ушбу йўналишлар учун 5 электр чика модернизация қилинди. Натижада транспорт воситаларининг ташиқи ва ички қиёфаси бутунлай ўзгарган. Вагонларга кондиционер, замонавий ўриндиқлар ўрнатилган. Хориждан яна 10 электрпоезд келтириш режалаштирилган.

Жорий йилда Фарғонадан Марғилонгача бўлган темир йўлни электрлаштириш ишлари якунланди.

Президентимиз мазкур турдаги темир йўл транспорти қатновининг йўлга қўйилиши Фарғона водийси аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Илгари Фарғона водийсида электрпоезд қатнайди деса, биров ишонмасди. Энди Кўкондан Андижонга бир соатда етиб бориш мумкин. Бу ҳам халқимизнинг узогини яқин қилиш борасидаги, одамлар манфаатини қўлаб амалга оширилаётган ислохотларимиз самарасидир, деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, Фарғона шаҳар вокзали бенизо қурилишини ниҳоясига етказиш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига ташрифи давомида белгилаб берилган улкан бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожини янги босқичга кўтаришга хизмат қилди.

ЎЗА

Ўзбекистонда бахтли ва хушқайфият одамлар яшайди

Мамлакатимизда амалга оширилаётган оқилона сиёсат натижасида иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга эришилмоқда, халқимиз фаровонлиги муттасил юксалиб бормоқда. Бу қатор нуфузли халқаро ташкилотлар, тадқиқот институтлари томонидан ҳар йили эълон қилинаётган халқаро рейтингларда ўз исботини топмоқда.

Ўзбекистон яқинда эълон қилинган бахтиёрлик ва хушқайфиятлик индексида кўра 142 мамлакат орасида 3-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида 1-ўринни эгаллади.

Gallup World тадқиқот ташкилоти томонидан 2016 йил якунлари бўйича тайёрланган ушбу ҳисобот 142 мамлакатда ўтказилган ижтимоий сўров натижалари асосида тузилган. Сўровда 150 мингга яқин киши

иштирок этган. Рейтингда одамлар кайфияти, ҳаёти ва турмушидан мамнунлиги қийсий таҳлил қилинган.

АҚШнинг Gallup World муассасаси раҳбар ва ташкилотлар ишида қўл келувчи таҳлиллар тайёрлаш ҳамда тақлифлар бериш билан шуғулланадиган дунёдаги энг нуфузли ташкилотлардан бири. Халқаро микёсда 80 йилдан ортиқ тажрибага эга

Gallup World ўз тадқиқотлари билан дунёда ходимлар, мижозлар, талабалар ва фуқаролар билан боғлиқ энг муҳим муаммоларни ҳал этишга қўмақлашиб келаётир.

Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, 2014 йилда Gallup World томонидан ўтказилган тадқиқотда Ўзбекистон жаҳоннинг 30 та энг бахтли мамлакатлари қаторидан ўрин олган эди.

Ўзбекистон бахтиёр ва хушқайфият халқи билан бу ва бошқа рейтингларда юқори ўринларни эгаллаб келаётгани бежиз эмас. Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотлар самаралари, халқимиз фаровонлиги, турмуш даражаси ва сифати мазкур мезонларга тўла мос келади.

Н. МАНЗУРОВА,
ЎЗА муҳбири

2017-yil 24-iyun, № 50 (9011)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDA ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўз давридаги барча қийинчилик ва оғир синовларга қарамасдан, бу аллома ва мутафаккирлар илмуфан равнақи йўлидаги ўз бурчига, гуманизм ва маърифат ғояларига ҳамisha содиқ қолиб, ҳақиқий маънавий жасорат намунасини кўрсатдилар ва уларнинг халқимиз ва башарият олдидида буюк хизматлари, айниқса, мустақиллик йилларида муносиб ҳурмат ва эътибор топиб келмоқда.

Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келадиган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустақам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Айни вақтда таъкидлаш лозимки, ана шу бетакрор илмий мероснинг барча қатламлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Биргина мамлакатимиз китоб фондларида сақланаётган, асосий қисми ЮНЕСКОнинг маданий мерос рўйхатига киритилган 100 мингдан зиёд кўлэзма асарлар ҳам шундан далолат беради.

Халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ана шундай ноёб меросни илмий асосда ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, улар билан аҳолимиз ва жаҳон жамоатчилигини кенг таништириш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, инсон қалби ва онгини эгаллаш учун турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий тарбия ва ифтихор руҳида ғурурлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмита, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Тош-

кент ислом университети, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва жамоатчилик ҳаракати томонидан билдирилган тақлифларни инobatта олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда давлат муассасаси шаклидаги Ўзбекистондаги Ислам маданияти маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этилсин.

2. Куйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мамлакатимиз асрлар давомида жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми, ислом маданияти марказларидан бири бўлиб келганларини акс эттирадиган илмий-тарихий концепцияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Марказ таркибидида кутубхона ва архив, кўлэзмалар фондларини бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлилар, улар томонидан асос солинган илмий ва диний мактабларга доир юртимизда ва чет элларда сақланаётган қадимий кўлэзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори-атиқалар, шу йўналишдаги замонавий илмий-тадқиқот ишлари, китоб ва тўпламлар, видео ва фото ҳужжатлар висобидан шакллантириш;

Марказ таркибидида музей экспозициясининг мавзу йўналишларини чуқур ўйланган, илмий асосланган аниқ режа бўйича шакллантириш ва уни энг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида намойиш этиш;

ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк ватандошларимиз – Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотурудий, Абу Муин Насафий, Қафқол Шоший, Абдуллоҳиқ Фиждувоний, Нажмиддин Кубро, Бурхониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур тадқиқот этиш, уларнинг илмий-маънавий жасорати, улуғ инсоний фазилатларини кенг тарғиб қилиш;

жаҳон илм-фани тарихида ўчмас из қолдирган Мухаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Улуғбек, Али Қўшчи каби олим

ва мутафаккирлар меросининг тарихий ва замонавий цивилизация тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини, Алишер Навоий, Заҳриддин Мухаммад Бобур, Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳиб сингари мумтоз адабиёт ва санъат намояндалари ижодининг инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш;

ислом дини одамларни, барча миллат ва халқларни ҳамisha нури ҳаётга, эзгулик, ўзаро дўстлик ва инсонийликка давват этишини, унинг асл, гуманистик мазмунини теран таҳлил этишга қаратилган илмий тадқиқотлар, жаҳон аҳлини бир мақсад йўлида – жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш йўлида бирлашишга чорлайдиган турли анжуманлар, маърифий тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва маданияти, давлатчилик анъаналари, халқимизнинг турмуш тарзи ва дунёқараши ислом цивилизацияси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланиб, ривожланганини Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Кеш, Насаф, Термиз, Андижон, Марғилон, Қармана, Қўқон сингари қадимий шаҳарларимиз, улуғ алломалар ва азиз-авлилар хотирасига бағишлаб юртимизда бунёд этилган ёдгорлик мажмуалари, муқаддас қадамжолар макетлари, улуғ сиймослар, ноёб кўлэзма ва тошбосма асарлар, моддий ва номоддий мерос, хусусан, "Шашмақом" намуналари каби ноёб экспонатлар орқали акс эттириш, шу йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб бериш, уларнинг натижалари асосида комуслар, каталог ва альбомлар, илмий-оммабоп тўпламлар, телекўрсатув, фильм ва бошқа материаллар тайёрлаш;

Марказда, маҳаллий ва чет эллик мутахассисларни кенг жалб этган ҳолда, илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш ва уларнинг натижаларидан юртимиз ҳамда жаҳон жамоатчилигини хабардор қилиб бериш;

Европа Ренессансининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатган Мусулмон Ренессанси даврида илм-фан, маданият ва санъат, меъморлик ривожи тўғрисидаги кенг камровли маърузалар павильонларини ташкил этиш орқали Марказда намойиш этиладиган экспозицияларни мазкур

даврларга оид экспонат ва кўргазмалар манбалар билан бойитиш;

жаҳон тарихида "Амир Темур ва темурийлар ренессанси" деган ном билан алоҳида ўрин эгаллайдиган даврда яратилган илм-фан, маданият ва меъморлик дурдоналарини ислом маданиятининг нафақат юртимиздаги, балки бутун мусулмон оламидаги тараққиёт ва юксалиш даври сифатида кўрсатиш;

бугунги кунда тобора катта аҳамият касб этаётган динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни самарали йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистондаги Ислам маданияти марказининг жаҳондаги нуфузли халқаро илмий муассаса ва тузилмалар, жумладан, ЮНЕСКО, АЙСЕКО каби халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Ўзбекистондаги Ислам маданияти марказининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Марказ директорида, зарур ҳолларда, Марказнинг ташкилий тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгаришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Марказ фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш бўйича вазирлик кенгашининг таркиби 2-иловага биноан тасдиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки: Марказ директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган лавозимдан озод этилади;

Марказ фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш бўйича вазирлик кенгаши Марказ фаолиятини мувофиқлаштирадиган унга юкланган вазифаларни амалга оширишда қўмақлашади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Ўзбекистондаги Ислам маданияти марказининг устави тасдиқласин;

Марказнинг маъмурий ва асосий биноларини (кейинги ўринларда – объект деб аталади), унинг таркибидидаги кутубхона ва музейни ҳисобга олган ҳолда, Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом (Ҳасимом) мажмуасига ёндош ҳудудда қуриш, унинг зарур моддий-техник базаси ва ин-

фратузилмаларини барпо этиш ҳамда ривожлантириш лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш, Марказ фаолиятига юқори малакали мутахассисларни жалб этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорини тасдиқласин.

Қарорда куйидаги вазифалар белгиланиши назарда тутилсин:

объектнинг қурилиш-монтаж ва жиҳозлаш ишларида қўлландиган ҳамда пудрат ташкилоти ва буюртмачи томонидан олиб келинадиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, мебеллар, инвентарь ва жиҳозларни ўрнатилган тартибда тасдиқланган рўйхатлар бўйича божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этиш;

мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган ва чет элдан келтириладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, мебеллар, инвентарь ва жиҳозларни тендер ўтказмасдан, ишлаб чиқарувчилар ва етказиб бериувчиларнинг энг яхши намуналар бўйича тақлифлари асосида сотиб олиш;

объект учун мўлжалланган, чет элдан келтириладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, мебеллар, инвентарь ва жиҳозларни бош пудратчининг омбор майдонларида (ИМ-74) (божхона омбори) божхона режимида жойлаштиришга рухсат бериш;

Марказнинг илмий-тарихий концепциясини ишлаб чиқиш, унинг музей ва кутубхонаси фаолиятини ва фондларини шакллантириш, экспозицияларини ташкил қилиш тартибларини белгилаш;

Илмий-тарихий концепцияни ишлаб чиқишга хорижий мутахассисларни жалб этиш ва бу борадаги илгор чет эл тажрибасини ўрганиш.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

объект қурилиши учун танланган ер майдонидида турар жой бинолари ва бошқа иншоотларни белгиланган тартибда бузиб олиш ва кўчириш ишларини икки ой муддатда амалга оширсин;

лоийҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қурилиш-монтаж ишларини белгиланган муддатларда амалга ошириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратишини таъминласин;

(Давоми 6-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚарориЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ХУЗУРИДА
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА(Давоми. Боши 1-, 5-
бетларда.)

"Давархитектқурилиш" кўмитаси ва "Ергеодеза-дастр" давлат кўмитаси билан биргаликда объект қурилиши учун тегишли ер майдони ажратилишини икки ҳафта мuddатда таъминласин;

8. "Давархитектқурилиш" кўмитаси лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини ва қурилиш-монтаж ишларини белгиланган мuddатларда амалга ошириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

Марказга маданий-гуманитар соҳадаги нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий мамлакатлардаги мазкур йўналишда фаолият кўрсатаётган муассасалар билан илмий ҳамкорлик ўрнатилган ва ривожлантиришда амалий ёрдам берсин;

Марказнинг мурожаатига биноан Марказни ташкил этиш, унинг фаолиятини ривожлантириш ҳамда келгусида ўтказиладиган тадбирларда (конференция, симпозиум, форум ва бошқалар) иштирок этадиган хорижий мутахассисларга визаларнинг консуллик ва бошқа йиғимлар ундирил-

масдан расмийлаштирилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказ томонидан бериладиган бюртманомаларга биноан Марказни ташкил этиш, унинг фаолиятини ривожлантириш ҳамда ушбу муассаса томонидан келгусида ўтказиладиган тадбирларда иштирок этадиган тегишли хорижий мутахассисларга кўп марталик визалар берилиши ва уларнинг мuddати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикасида вақтинча пропискидан ўтказилиши ва унинг мuddати узайтирилишини давлат божи ундирмасдан таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой мuddатда Марказнинг штат жадвалини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

12. Куйидагилар Марказни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлардан тушадиган ихтиёрий бадаллар;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ҳисобидан юридик шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари;

муайян лойиҳа ва грантлардан ажратилган маблағлар.

13. Марказнинг маъмурий ва асосий биноларини қуриш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар машхур ватандошимиз, россиялик тадбиркор Алишер Усмоновнинг ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши инobatта олинсин.

14. Маҳаллий ва хорижий юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг Марказни ташкил этиш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳомийлик хайрия маблағлари даромад солиғидан озод қилинсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 апрелдаги Ф-4891-сонли қарорининг Товарлар (ишлар, хизматлар) импорти ҳажмини ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чўқурлаштириш бўйича Комиссия билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат асосида бош пудратчи томонидан Марказ учун олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикаси-

да ишлаб чиқарилмайдиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, мебеллар, инвентарь ва жиҳозлар 2022 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

16. Ўзбекистон Республикасининг Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси мазкур объект қурилиши доирасида қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, мебеллар, инвентарь ва жиҳозларни сотиб олиш бўйича шартномаларни ўн кун мuddатда экспертизадан ўтказсин.

17. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК Марказ буюртманомаларига биноан Марказни ташкил этиш, унинг фаолиятини ривожлантириш ҳамда ушбу муассаса томонидан келгусида ўтказиладиган тадбирларда иштирок этадиган юқори мартабали меҳмонларга Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортининг VIP зали орқали бепул хизмат кўрсатилишини, хорижий мутахассисларга мазкур аэропортининг VIP зали орқали белгиланган тартибда хиз-

мат кўрсатилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар кириштириш тўғрисидаги тақлифларни икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

19. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини барпо этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ишларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш тавсия этилсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Х.Султонов, Р.Комилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 23 июнь

Худудлар ободлиги — фаровонлик омили

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадига шу йилнинг 16 июнь кунини пойтахтимизнинг Учтепа туманига ташриф буюрди. Учтепа тумани ҳокимлигида мазкур ташриф давомида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва истиқболдаги ишларга бағишланган тадбир ташкил этилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ўтказган тадбирда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, депутатлар, туман ҳокимлиги мутасаддилари, тадбиркорлар ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирок этди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Д.Шоумаров, партиянинг Учтепа туман кенгаши раиси Ш.Қосимов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг ҳар бир худудда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ва ободлаштириш ишлари ҳалқимиз фаровонлигини, фуқароларимизнинг муносиб ша-

роитларда яшашини таъминлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади. Миллий меъморлик аъёнлари ва замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида барпо этилаётган турар жойлар, ижтимоий объектлар, меҳмонхоналар, йўл ва кўприклар, сўлим боғу хиёбонлар шаҳар аҳли ва меҳмонларига қулай шароит яратмоқда.

Ҳозирги кунда Учтепа тумани ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадига қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, тиббий хизмат кўрсатиш, қурилиш материаллари, кимё саноати, мебел, фармацевтика, чарм-пойабзал каби йўналишлардаги 70 га яқин лойиҳанинг бажарилиши натижасида мингга яқин иш ўрни яратилади.



Prezidentimiz tashrifidan so'ng

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев маҳалламизга келиб, аҳолининг яшаш шароити билан танишганидан маҳалладошларимизнинг боши кўкка етди, — дейди "Ватан" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулжамол Шариева. — Учрашувда давлатимиз раҳбари маҳалламизда олиб борилаётган ишлар, ютуқ ва камчиликлар билан танишиб, зарур кўрсатмалар берди. Хусусан, худудимизда жойлашган 78-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб, мактабни капитал таъмирлаш лозимлигини айтди. Ҳозирги кунда мактабни таъмирлаш ишлари бошланди. Айниқса, Президентимизнинг ушбу мактабда тажриба сифатида 11 йиллик таълимни қайта тиклаш, унинг қошида ўқув-касб курси ташкил этиш борасидаги кўрсатмасини катта ишонч сифатида қабул қилдик. Худудимиздаги кўп қаватли уйларнинг атрофи тозаланиб, манзарали гуллар экилмоқда, маҳалламиз янада обод бўлмоқда.

Мулоқотда Президентимизнинг мазкур лойиҳаларни янада такомиллаштириш, туманда тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, иш ўринларини кўпайтириш бўйича берган топшириқларидан келиб чиқиб, бу борада партия олиб борадиган ишлар хусусида фикр юритилди. Худудда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, ишбилармонларнинг янги ташаббус ва гоёларини қўллаб-қувватлаган ҳолда ишлаб чиқариш соҳасини янада ривожлантириш ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида юзага келаётган тўсиқ ва воқаларни бартараф этишда яқиндан кўмаклашиш галдаги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Г.САТТОРОВА,
ЎЗА муҳбири

2017-yil 24-iyun, № 50 (9011)

“Мақтаб раҳбари лавозимига қандай малака талаблари белгиланган?”

Ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган инсон шахсий ҳаёти ва фаолиятида учрайдиган муаммоларга ечим топишга қийналмайди. Шу маънода бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва дунёқарашини юксалтиришга, уларнинг мурожаатларини ўз вақтида ўрганиб, ҳақли талабларини қондиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Тахририятимизга ҳам халқ таълими тизими ходимлари, ўқитувчи-педагоглардан қўлаб мурожаатлар келиб тушмоқда. Қуйида шундай саволларга Халқ таълими вазирлиги мутахассислари томонидан берилган жавобларни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Савол: 2017 йил март ойида бўлиб ўтган аттестация жараёнидаги тест синовларида 52,5 фоиз балл тўплаб, II тоифадан мутахассисликка тушиб қолдим. Шу боис эндиликда мутахассис ўқитувчи лавозими бўйича ҳақ оляпман. “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” ва бошқа танловларда муваффақиятли иштирок этганман. Ўқувчиларим ҳам фан олимпиадалари ва билимлар беллашувиде фахрли ўринларни эгаллаган. Гарчи мутахассис ўқитувчи бўлсам ҳам, ушбу ютуқларим ҳисобга олиниб, менга устама ҳақ бериладими?

Феруза СОБИРОВА,
Хўжайли туманидаги
1-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Жавоб: — Умумтаълим муассасаларининг ўрناق кўрсатган ўқитувчиларига касб маҳорати ва таълим жараёнига қўшган аниқ ҳиссаси ҳамда тарбиявий ва синфдан ташқари ишлари учун уларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сонли қарори асосида тартибга солинади.

Унга қўра, ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1534-сон билан рўйхатга олинган “Умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисида низом”нинг 18-бандида келтирилган ҳужжатларнинг мавжудлиги ҳамда низомнинг 25 ва 27-бандларида келтирилган талабларга мувофиқлиги ҳар ойлик устамалар тайинлашга асос бўлиб ҳизмат қилади.

Шу асосда сизга ҳам махсус комиссия томонидан устама тайинланиши мумкин.

Шерзод ПАРДАЕВ,
Халқ таълими вазирлигининг молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Савол: 2004—2008 йилларда Термиз давлат университети касбий таълим факультетининг агроинженерия ихтисослигини битирганман. Университет воҳамизга педагог кадрлар етказиб берадиган олий таълим муассасаси ҳисобланади. 8 йил дарс ўтганман. Кейинги пайтларда мактаб маъмурияти мени номухтассис деб дарс бермаяпти. Шу тўғрими?

Икром НОРҚУЛОВ,
Музработ тумани

Жавоб: — Мактаб маъмуриятининг эътирози тўғри. Сиз Термиз давлат университети томонидан берилган касбий таълим, агроинженерия ихтисослиги бўйича диплом билан умумий ўрта таълим мактабларида дарс бериш ҳуқуқига эга эмасиз.

Савол: 2010 йили Тошкент далаат шарқшунослик институти сиёсатшунослик факультетининг халқаро муносабатлар йўналишини битирганман. 2012 йилдан мактабда дарс ўтиб келмоқдаман. 2015 йили Тошкент шаҳар ХТХҚТМО-Ининг қайта тайёрлов курсини тамомлаб, тарих фанидан дарс бериш ҳуқуқига эга бўлдим. Айтинг-чи, келгусида халқ таълими тизимида раҳбарлик лавозимларида ишлашим мумкинми?

Ўқтам МҲЙДИНОВ,
Фарғона шаҳри

2017-yil — Xalq bilan muloqot va inson manfaatlarini yili

Жавоб: — Тошкент давлат шарқшунослик институти томонидан берилган ихтисослик умумтаълим мактабларида дарс бериш ҳуқуқини бермайди. Қайта тайёрлов курсидан ўтганлигиниз сабабли умумтаълим мактабларида тарих фанидан дарс бериш ҳуқуқига эга бўлгансиз. Лекин бу иккинчи олий маълумот ҳисобланмайди.

Халқ таълими вазирлигининг 2015 йил 24 июндаги 191-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари”да мактаб директори ва ўринбосарларига:

а) камида бакалавр даражасидаги олий педагогик маълумот;

б) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши;

в) беш йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажини, малака талаблари белгиланган.

Демак раҳбарлик лавозимида ишлашингиз учун камида бакалавр даражасидаги олий педагогик маълумотга эга бўлишингиз лозим.

Бухорбой АКРАМОВ,
Халқ таълими вазирлигининг кадрлар бошқармаси етакчи назоратчиси

Савол: Ўқув йили якунлашиб, кўпчилик ота-оналар фарзандини 1-синфга бериш учун тайёргарлик кўрмоқда. Ҳар йили 1-синфга қабул қилишда болаларнинг ёши билан боғлиқ муаммога дуч келамиз.

Йилнинг қайси ойигача туғилган 6 ёшли болаларни 1-синфга қабул қилиш лозим?

Нилуфар АБДУРАЗЗОҚОВА,
Чирчиқ шаҳридаги 15-мактаб директори

Жавоб: — Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартда тасдиқланган “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли қарорининг 5-бобида умумтаълим муассасаларининг 1-синфига 6-7 ёшли болалар тиббий ҳулосага мувофиқ қабул қилинади.

Тегишли йилнинг 31 августига қадар 6,5 ёшга тўлмаган, 1 синфда ўқиш истагини билдирган болаларнинг ота-оналари билан умумтаълим муассасасининг педагог ходимлари ва психологи томонидан болани мактабда ўқишга жисмонан ва руҳан тайёрлаш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилади.

Саидхорр Сейткамолов,
Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим муассасалари бошқармаси бошлиғи.

Савол: Тақвим-мавзуйий иш режаси 34 ҳафта ҳисобидан бир ўқув йили учун тузилади. Лекин унда байрам кунларига тўғри келган соатлар ҳам бор. Ушбу дарс соатлари такрорлаш ҳамда яқин мавзуларни ихчамлаштириш ҳисобига ўтилиб, йиллик иш режаси бажарилади. Ҳозир эса байрам кунига тўғри келган дарс соатларини бошқа иш кунига ўтиб, журналга қайд қилиш кераклиги айтиляпти. Агар шундай бўлса, бунга ҳақ тўланмайди-ку. Шу тўғрими?

Эркин МИРЗАЕВ,
Ўқитувчи

Жавоб: — Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли қарорининг 4-боб 25-бандига мувофиқ меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида байрам (ишланмайдиган) кун деб белгиланган кунларда дарс машғулоти ўтказилмайди.

Байрам (ишланмайдиган) кунларига тўғри келиб қолган дарс машғулотларининг мавзулари ўқув дастурларини ихчамлаштирган ҳолда кейинги дарс машғулотларида ўтказилади.

Саидхорр Сейткамолов,
Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим муассасалари бошқармаси бошлиғи

“Ma'rifat” мухбири
Шавкат ХҲҲАҚУЛОВ
тайёрлади.

Энг китобхон мактаб аниқланди

Республика илмий педагогика кутубхонасида Халқ таълими вазирлигининг буйруғига асосан анъанавий “Китобхон мактаб” кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди. Унда “Адабиёт кунлари”, “Бир фарзандага уч китоб”, “Китоб тақдироти”, “Энг яхши китобхон ўқувчи” каби номинициялар бўйича юқори натижага эришган иштирокчилар ўзаро баҳслашишди.

— Китоб мутолааси, китобхонлик тарғиботи мактаб, маҳалла, оила ҳамкорлигида олиб борилиши керак, — дейди Республика илмий педагогика кутубхонасини директори Доно Фаниева. — Бу ўқувчи-

ларда мустақил ва танқидий фикрлаш кўникмаси, китобхонлик маданиятини шакллантириб, оила ҳамда таълим муассасаси ҳамкорлигини кучайтиради.

Ҳакамлар ҳайвати ҳулосасига

қўра Самарқанд туманидаги 16-мактаб иштирокчиси биринчи, Зарафшон шаҳридаги 1-, Яқкабоғ туманидаги 5-мактаб вакиллари иккинчи, Гулистон туманидаги 14-, Хонқа туманидаги 29-мактаб кутубхоначиларининг намунавий иш учинчи ўринга лойиқ топилди.

— Вилоятимиздаги 16 та туман (шаҳар)да 120 та ахборот-ресурс маркази бор, — дейди Самарқанд вилояти ахборот-ресурс маркази директори Юсуфжон Муҳаммедов. — Китобхонлар байрами доираси-

да жойларда хайрия тадбирлари уюштирамиз. “Энг яхши китобхон оила”, “Китобим — офтобим” каби тадбирлар орқали мактаб кутубхоналарига аҳоли қамровини оширишга ҳам киришганмиз. Бошланғич синфда таълим олаётган ўғил-қизларимизни китобга қизиқтириш учун “Кўгирчоқ қаламчалар” рағбатлантириш усулини жорий этганмиз.

Танловнинг ғолиб ва совриндорлари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шоира БОЙМУРОВА

Tanlov

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мажлис кун тартибдаги муҳим масалаларидан бири — адабий диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолган ватандошларимизни, ёшларимизни бегона, ёвуз оқим гирдобидан озод қилиш, ўсиб келаётган ёшларимизни бу хавфдан огоҳлантириш, уларнинг маънавий дахлсизлигини ҳимоя қилишга бағишланди.

Бу борада давлат ва жамоат ташкилотларига аниқ топшириқлар берилди. Жумладан, диний экстремизмдан азият чеккан ҳар бир оилга кўмаклашиш мақсадда уларга "Маҳалла", "Нуруний" жағмаралари, коллеж ва мактаб маъмурияти фаолларини, имом-хатиб, банк ходими, энг обрўли одамларни бириктириш; диний экстремистик оқимларга адашиб кириб қолган ватандошларимиз билан самимий суҳбатлашиш, уларни хидоят йўлига, бахтли оилавий ҳаётга қайтариш, оилаларини ўрганиб, уларнинг моддий ва маънавий муаммоларини ҳал қилишга ёрдам бериш; имом-хатибларнинг диний маърифат борасидаги масъулиятини ошириш; ёшларимизни ёт мафқуралардан огоҳлантиришга қаратилган профилактик тарбия ишларини ташкил этиб, натижадорлигига эришиш; оилаларнинг маънавий ҳаётини ўрганиш, баҳолаш, бойитиш; маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иш самарадорлигини ошириш; туманларда соҳа масъуллари учун семинар-тренинглр ўтказиш каби вазифалар белгилаб берилди.

Мақолада ёшларимизни диний экстремистик оқимлардан ҳимоя қилишга қаратилган тарбиявий, маърифий ишларимизда учраётган камчиликларни таҳлил этиш, уларга барҳам бериш юзасидан ўз амалий-услубий тавсияларимизни умумий гаплар билан эмас, содда, илмий-амалий баён қилишни лозим топдик.

"Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш"ни қандай тушуниш керак?

"Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш", "жамоатчилик назоратини кучайтириш", деган ибораларни кўп ишлатамиз. Бироқ жойларда ҳамкасблар билан суҳбатларда бу ўта муҳим масалани маъно-маъмуни эътибордан четда қолаётгани кузатишмоқда. Аслида, ҳар ишни бошлашдан олдин унинг "ичига кириш", моҳиятини билиб олиш зарур бўлади. Масаланинг айрим муҳим жиҳатларига синчилаб қаралса, **ИЖТИМОЙ** бу — жа-мият, яъни одамлар турмушига бево-сита тегишли масала эканлиги маълум бўлади. **Маънавий** бу — одамларнинг кайфияти, билими, онги, бир-бирига, ислохотларга, давлат сиёсати ва муносабати. Одамлар Ватан, ҳаёт, ислохотлар, дин, тарбия, меҳр-оқибат, саломатлик, яхшилик-ёмонлик, тарих, маданият масалаларида нималарни, қандай (тўғри ёки нотўғри) тушунаётгани демак. Нотўғри тушунчалар — гу-ёки захарли микроб, вирус. Чунки улар нотўғри тушунишни, нотўғри тушунтиришни, нотўғри гапларни, миш-мишларни, яъни киши маънавиятини ай-нидадиган касалликларни пайдо қила-ди, ўрчитади. **Муҳит** бу — одамлар-нинг ҳар куни кўзи тўшаётган, эшита-ётган, таъсир қилаётган нарсалар. Но-тўғри тушунчалар кўпайса, муҳитни захарлайди. Захарланган муҳит эса (худди захарланган ҳаво каби) унда яшаётган, нафас олаётган одамлар онги ва қалбини захарлайди.

Соғломлаштириш эса — аввало маънавий-эпидемиологик ҳолатни сақлаш; агарда бирор оила, маҳалла,

туманда маънавиятга салбий таъсир этадиган медиавируслар пайдо бўлса, илмий асосда диагноз қўйиб, маъна-вий даволаш чора-тадбирларини қўллаш; оила, маҳалла, тумандаги му-ҳитни соғломлаштириш; беҳабарлик, тушунмаганлик ёки нотўғри тушуниш-дан пайдо бўлиши мумкин бўлган но-розиликни тушунтириб, "даволаб", ро-зиликка айлантириш; инсонни унинг ўзига, оиласига, Ватанига зарарли фикр, ғоя, ният ва иллатлардан по-клаб, хидоят йўлига, соғлом ҳаётга қайтариш каби тадбирларни ўз ичи-га олади.

Мафқуравий иммунитет қандай кучайтирилади?

Кўпинча "мафқуравий иммунитет"ни ёт ғояларнинг ёмонлигини билиш,

вий муҳитни соғломлаштириш бўйи-ча 32000 дан ортиқ тадбир ўтказил-ган. Бир қараганда катта рақам, кат-та иш. Лекин бир савол туғилади: Шунча тадбир ўтказилибди. Унда ўтган даврда адашганлар сони нега ошган? Ахир улар ҳам ўзимизнинг мактаб, коллежларимизда ўқишган-ку. Бунга сабаблар кўп. Биринчидан, бир мактаб, коллеж, бир маҳалла ёки кор-хонада бирор мавзуда ўтказилган са-марали тадбир бошқаларида ташкил этилмайди. Натижада 50, 100, нари борса 300 киши қамраб олиниб, қол-ган юз минглаб аҳоли, ёшлар бундан беҳабар қолади. Биз эса "Хамма қам-раб олинди", деб ҳисобот беряпмиз. Иккинчидан, тадбирлар фотоларига қарасангиз, кўпинча бир хил чех-ларга кўзингиз тушади. Муаммоли одамлар, уюшмаган ёшлар бундан четда қолиб кетяпти.

Ечим: Аҳоли, ёшларнинг тадбирлар

лик, ғўдайганлик, Ватанга, сиёсатга хиёнат, жиноятчилик, ваъзхонлик, қуруқ савлатлилик, дўстни душман қилиш, иккиланувчанлик, маҳаллийчи-лик, баландпарвозлик, ўғрилиқ, ҳасад, порахўрлик, ноинсофлик, эътиқодсиз-лик, чаласаводлик, адолатсизлик, кор-рупция.

Халқни рози қилишда тарбия ва маърифатнинг роли

Президентимиз Андижонда **"Одамлар нимадан рози, нимадан норози?"** деган аниқ саволни ўртага таш-лади. Айрим ҳудудлардаги йўл, сув, газ, электр таъминоти, тиббиёт, мак-таб, коллеж муаммолари кўз олдимиз-га келади. Бу муаммолар нега, қаер-дан пайдо бўлди? Маънавий-маърифат-нинг маърифий самарадорлик коэф-фициенти 71 фоизга ошгани аниқлан-ди. Якунида 5-6 тингловчидан "Сиз-ё ўзингизни ёвуз ғоялардан ҳимоя қилиш учун нима қилиш кераклигини биласизми?", "Бугунги тадбирдан ни-маларни ўрганиб олдингиз?", деб қайта сўралди. Улар берган тўғри жа-вобларни тингловчилар яна "мар-та четда қолиб олинди. Олган билимлари мустаҳкамланди.

Ёшларимизни диний экстремистик оқимлардан қандай ҳимоя қилишимиз керак?

Президентимизнинг Андижонда сўзлаган маърузасида **"Бир жаҳо-латга ўн маърифат"** деган нажот-кор, профилактик ғоя илгари сурил-ди. Мана шу ғоя қайси маҳаллада му-каммал амалга ошса, ўша маҳалла ёшларига диний экстремизм чанг сола олмайди. Чунки бунда ҳар бир оила аъзосининг мафқуравий имму-нитети, маънавияти диагностика асо-сда даволанади, кучайтирилади. Чун-ки улар мабодо ёт ғояга дуч келиб қолсалар ҳам нима қилишни ва нима қилмаслик кераклигини ўрганиб олишган бўлади. Бунинг учун маса-лага худди тиббиётдаги каби инди-видуал, рўйхат ва "маънавий диагно-стика — маънавий рецепт — маънавий терапия" асосида ёндашиш, шоммай ишлашимиз керак.

Мамлакатимиздаги оилавий поли-клиникаларда 8 миллионга яқин оила, уларнинг ҳар бир аъзосининг жисмо-ний соғлиги ҳақида ёвуз бор. Бугун ижтимоий-маънавий муҳитни соғлом-лаштириш давлат ва жамиятнинг энг муҳим масаласига айланган экан, маънавий соғлиққа муносабатда ҳам шу даражадаги аниқликка эришиши-миз зарур. Яъни, ҳар бир маҳалла маслаҳатчиси ўз маҳалласидаги оила-лар, оила аъзоларининг маънавий са-ломатлигини доимий ўрганиб, қайгу-риб, зарур ҳолларда "маънавий тиб-биёт" хизматини кўрсатиб бориши за-рур.

Президентимиз ўз маърузаларида "Адашганларнинг ҳар бири билан ке-рак бўлса, 1 кун, 10 кун, керак бўлса, 1 ой индивидуал ишлаш керак", "улар ўз фуқароларимиз", дея қуноқчилик билан таъкидлади. Биз мана шу эъти-бор, ғамхўрликни маънавий профи-лактика мақсадида маънавияти пок, соғлом оилаларда ҳам, мактаб, кол-леж, олий ўқув юртиларида ҳам ҳар-бир ўқувчи-талаба билан амалга оши-ришимиз керак. Ана шунда биз мил-латнинг бузғунчи ғояларга қарши му-стаҳкам мафқуравий ҳимоя қобилигини яратган бўламиз. Юртимизда ижти-моий-маънавий муҳит соғломлиги ка-фолатланади. Бахтимиз зинда бўла-веради.

Халқни рози қилишда тарбия ва маърифатнинг роли

Президентимиз Андижонда **"Одамлар нимадан рози, нимадан норози?"** деган аниқ саволни ўртага таш-лади. Айрим ҳудудлардаги йўл, сув, газ, электр таъминоти, тиббиёт, мак-таб, коллеж муаммолари кўз олдимиз-га келади. Бу муаммолар нега, қаер-дан пайдо бўлди? Маънавий-маърифат-нинг маърифий самарадорлик коэф-фициенти 71 фоизга ошгани аниқлан-ди. Якунида 5-6 тингловчидан "Сиз-ё ўзингизни ёвуз ғоялардан ҳимоя қилиш учун нима қилиш кераклигини биласизми?", "Бугунги тадбирдан ни-маларни ўрганиб олдингиз?", деб қайта сўралди. Улар берган тўғри жа-вобларни тингловчилар яна "мар-та четда қолиб олинди. Олган билимлари мустаҳкамланди.

Ёшларимизни диний экстремистик оқимлардан қандай ҳимоя қилишимиз керак?

Президентимизнинг Андижонда сўзлаган маърузасида **"Бир жаҳо-латга ўн маърифат"** деган нажот-кор, профилактик ғоя илгари сурил-ди. Мана шу ғоя қайси маҳаллада му-каммал амалга ошса, ўша маҳалла ёшларига диний экстремизм чанг сола олмайди. Чунки бунда ҳар бир оила аъзосининг мафқуравий имму-нитети, маънавияти диагностика асо-сда даволанади, кучайтирилади. Чун-ки улар мабодо ёт ғояга дуч келиб қолсалар ҳам нима қилишни ва нима қилмаслик кераклигини ўрганиб олишган бўлади. Бунинг учун маса-лага худди тиббиётдаги каби инди-видуал, рўйхат ва "маънавий диагно-стика — маънавий рецепт — маънавий терапия" асосида ёндашиш, шоммай ишлашимиз керак.

Розилик ёки норозилик кайфияти нимага боғлиқ?

Одамнинг ўз Ватанига, халқига, бур-чига муносабатларини ундаги фазил-лат ёки иллатлар белгилайди. Прези-дентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ан-дижон фаоллари билан учрашувида ана шу ҳақиқат очиб берилди. Прези-дентимиз маърузасида халқимизни рози қилаётган фазилатлар ҳам, но-рози қилаётган иллатлар ҳам тилга олинди.

Халқни рози қилувчи фазилатлар: билимлилик, иродалилик, ватанпарварлик, адолатлилик, қаттиққўллик, натижага ишлаш, садоқат, ҳалоллик, эътиқодлилик, илмлилик, вазиминлик, намуна бўлиш, душманни дўст қилиш, маърифатлилик, кечиримлилик, изла-нувчанлик, тадбиркорлик, ҳавас билан яшаш, ҳалоллик, фидойилик, бағри-кенглик, ўзини қийнаш.

Халқни норози қилувчи иллат-лар: бефарқлик, лоқайдлик, каттакон-даги — кўринадиган муаммо(оқибат)-лар ҳам ҳал бўлади.

Қаерда иш чала, юзаки, хўжақўр-синга қилинган бўлса, бу шу ишни ба-жарган, бoшқарган раҳбар, масъул маънавиятидаги нуқсоннинг диагнози, акси бўлади. Масалан, меҳнат фах-рийси Матлуба хола бир хонадонда ўзи ёққан газнинг пулини тўлаб, яна қарздор бўлиб қолиши мумкинми? Йўқ. Лекин шундай бўлди. Чунки содда қилиб айтганда айрим газ идораси хо-димлари ноинсофлик қилишди. Газ хо-димини нима ёмонотлик қилди? Но-инсофлик иллати. Унга ота-онаси ин-соф фазилатини ўргатмади, мактаб, коллежда бу фазилатни тарбиялашга эътиборсиз қарашди. Бола инсофнинг гўзаллигини, ноинсофликнинг ёмонли-гини тушунтирувчи тарбиявий мисол-ларни кўрмай ўсди. Бўлишқ пайдо бўлди, ноинсофлик илдиэ отди. Бугун ана шу бир неча масъуллардаги но-инсофлик одамларни давлатдан но-рози қилиб, ўша ходимларнинг ота-оналарига лаянат келтиряпти. Демак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз онги-га чин инсоний маънавий-ахлоқий фа-зилатларни чўқур сингдиришимиз, ил-латларга нисбатан муросасизлик, на-фрат туйғуларини шакллантиришимиз зарур. Чунки бу иллатлар ота-оналар-га, давлатимизга, халқимизга зарар етказаяпти.

Масалан, кўплай давлат ва жамоат ташкилотлари низомида ёшлар тарбияси, маънавий-маърифий йўна-лишда олиб бориладиган бир қатор вазифалар битилган. Бу вазифалар ижроси учун жавобгарлик ҳам айнан шу ташкилотлар раҳбарларидан кути-лади. Халқона қилиб айтганда, бир то-мондан, ҳар бир ташкилот, масъул ўз аравасини ўзи тортиши, низоми вазифаларидан оғишмаслиги керак. Иккин-чи томондан, бу ташкилот, корхона-лар орасида ҳамкорлик мустаҳкам бўлиши керак. Лекин афсуски, баъзи ҳолларда ҳисоботларда "ҳамкорликда ўтказилди", деймиз. Иш натижаси па-сталик танқид қилинса, масъулиятни "ҳамкоримиз"га ағдариб "маҳоратла-римиз" ҳам бор. Давр ҳар бир масъ-улдан ўз вазифаларини ва ҳамкорлик-ни барабар олиб боришни талаб эт-моқда. Чунки муҳокама — жамоавий, жавобгарлик — шахсан эканлигини унутмаслигимиз керак.

Тарғиботчиларни тайёрлаш

2017 йилнинг 4 июнь куни Булоқ-боши тумани ҳокимлиги мажлислар залида ижтимоий маънавий муҳитни соғломлаштириш ишига масъул бўлган 800 нафардан ортиқ мутасадди ходим-лар иштирокида йиғилиш бўлди. Маж-лис жуда самимий, ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Масъулларга "ижтимоий маънавий муҳитни соғломлаштириш" иборасининг маъноси ҳижжалаб ту-шунтириб берилди. Шунда улардан бири "Биз шунча вақт ижтимоий маъ-навий муҳитни соғломлаштириш" би-лан шугулланяпмиз, лекин бу ибора-нинг маъносини, вазифаларимизни, тўғриси, энди тушундик", деб раҳмат айтди. "1 жаҳолатга 10 маърифат" та-моили ҳамада "маънавий эмлаш" усу-лининг моҳияти тушунтириб берилга-



Ўз болангни ўзинг асра!

Президентимиз Ш.Мирзиёев Тош-кент шаҳрида 2017 йил 15 июнь куни Симпозиумлар саройида **"Ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, муқаддас динимиз софлигини асраш — давр талаби"** мавзусидаги республика анжуманида тарбия, педагогика фани учун ҳаётий озуқа берувчи ғояларни ўртага таш-ладилар. Жумладан, Президентимиз-нинг болаларимизни турли ёт ғоя, оқимлардан асрашга қаратилган, пе-дагогик профилактиканинг негизини ташкил қилувчи **"Ўз болангни ўзинг асра!"** деган ғояси мажлис аҳли то-монидан олқишлар билан кутиб олин-ди. Маърузада бу ғояни амалга оши-ришнинг тарбиявий механизми ҳам кўрсатиб берилди.

Болаларимиз маънавияти, ахлоқи-ни баҳолашга диагностика ёндашиш, ғоявий алданшиларнинг олдини олиш, биринчи зарбани ёт ғоялар эмас, бал-ки биз жаҳолатга қарши маърифат би-лан беришимиз (превентив тарбия, та-риғибот) зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз анжуманида сўзлаган нутқида куйидаги инсоний сифатлар-ни тилга олдилар:

Фазилатлар: жасорат, фидойилик, мардлик, халқни севиш, Ватанга со-диклик, соғлом эътиқодлилик, огоҳ-лик, ибратлилик, ўзлигига содиклик, одамларни рози қилиш, иродалилик, сабр-тоқатлилик, жасоратлилик, мато-

натлилик, ташаббускорлик, садоқат, шовилмасдан, оғир-босиқлик, бамас-лаҳат иш кўриш, ёт ғояларга алдан-маслик, шижоат, маърифатлилик, иб-рат, ўрнак бўлиш.

Иллатлар: носоғлом дунёқараш, адашганни ёмонлаб, ажратиб, душ-манга айлантириш, яхши ишлашни хоҳламаслик, порахўрлик, жаҳолатли-лик, бефарқлик, ўзбек деган номга но-муносиблик, сохта ғояга эргашши, му-нофиқлик, "ўйинчилик", сотқинлик, бе-парволик, лоқайдлик, "оёғи ердан узилганлик", меҳр-оқибатсизлик, масъулиятсизлик, хиёнат, "икки стул-да ўтириш", адолатсизлик.

Маънавий таҳлил нукта назаридан қараганда, тилга олинган бу фазилат-лар — бугунги ютуқларимизнинг, ил-латлар эса — мавжуд муаммоларимиз-нинг тарбиявий, маърифий сабаблар-ини кўрсатиб берди. Демак, биз тар-биявий ва маърифий иш режалари-мизга мана шу фазилатларни кучай-тириш, иллатларни йўқотишни аниқ вазифа қилиб, ёсиб, киритишимиз ке-рак. Бу — **умумий** ишлаш эмас, реал, мақсадли, натижали, бугунги куннинг тарбиявий талабларидан ке-либ чиққан ҳозиржавоб тақлиларга, натижали чора-тадбирларга асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кун жамоатчилик назорати-ни тарбияга қаратишни талаб қилмоқ-да. Чунки тарбия сўзининг ортида Ва-тан, миллат тақдирини турибди. Демак, ҳар ота-она кўшини, таниш-билиш, қариндошлари билан гаплашганда жа-моатчилик назоратига хос: "Болангиз-да қайси фазилатларни тарбияляп-сиз?", "Қайси иллатларни йўқотдин-гиз?", "Бола тарбиясида қайси усул-ларни қўллайсиз, менга ҳам ўрга-тинг", деган саволларни бериши ке-рак. "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дас-турининг 290-бандида "Ота-оналар-нинг педагогик маданиятини ошириш, фарзанд тарбияси борасидаги бурч ва масъулиятини ошириш" вазифаси бел-гилаб берилгани бежиз эмас.

Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов инсон қалбига кириш йўла-рини ўзининг "Юксак маънавият — эн-гилмас куч" китобида театр, санъат, бадий адабиёт, кино, тасвирий санъ-ат мисолларида очиб берган эдилар. Дарҳақиқат, тарбия ва маърифат — ин-сон онги, қалби билан ишлайди. Ама-лиётда тарбиявий, маърифий тадбир-ларимиз аҳоли, ёшларимизнинг ақли-рационал омили)га йўналтирилмоқда. Айни вақтда бадий адабиёт, куй-қўшиқ, театр, кино, тасвирий санъат-нинг таъсирчан лаҳзаларидан ижти-моий-маънавий муҳитни соғломлаш-тириш, ёшларимиз тарбиясига қари-тилган тадбирларда янада самарали фойдаланиш ижобий натижалар бе-ради.

Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, педагогика фанлари доктори, профессор

Нега олиб борилаётган тарғибот барчага бирдек этиб бормаяпти?

Андижон вилоятида 2017 йилнинг дастлабки 5 ойда ижтимоий-маъна-

Ахборот ҳолис ва ишончли бўлса...

27-iyun — Matbuot va ommaviy axborot vositalari xodimlari kuni



— Киши қайси касбда

фаолият кўрсатмасин, вақт- вақтга матбуот нашрларини ўқиб ва кўзатиб борса, у зamon билан ҳамнафас ва ҳамқадамдир. У давлат сиёсатининг устувор йўналишларини чуқур англайди, жамиятда рўй бераётган воқеа-ходисаларга ўзининг холис муносабатини билдириб, тўғри хулоса чиқаради. Ҳар гал бирор мавзуга қўл урсам, уни, албатта, давлат сиёсати билан боғлайман. Қаламга олинаётган мавзуга оид иқтибос келтиришда, фикримни асослашда ажодларимизнинг бой илмий-маънавий мероси менга афзаллик туғдиради. Бисотимда Алишер Навоий, Заҳрирдин Мухаммад Бобур, Абу Али ибн Сино, Имом Ғаззолий, Абу Наср Форобий, Имом Бухорий каби алломаларнинг кўплаб асарлари тўпланган. Мавзу мазмун-моҳиятини очишда ана шу манбаларга мурожаат қиламан. Оммавий ахборот воситалари билан доимий алоқадаман. Айниқса, "Ma'rifat" газетасида эълон қилинган мақолаларимнинг кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилаётгани менга илҳом бағишлайди.

Глобаллашув инсон ҳаётини қанчалик шиддаткор қилмасин, ҳар бир миллатнинг ўзига хослиги, миллий қадрияти ва аъёналарига содиқлиги, умуман, унинг миллат сифатида ўзини сақлаб қолишига ҳидий таҳдид солмоқда. Шу боис, ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммолари нафақат ривожланаётган, балки дунёнинг етакчи давлатларида ҳам муҳим ўрин тутади. Мустақил Ўзбекистон Республикасида ОАВ фаолияти янада тақомиллаштирилиб, унинг кучи ва имкониятлари давлат миқёсида қўйилаётган устувор вазифаларга йўналтирилмоқда.

Истиқлол йилларида амалиётга таъбиқ қилинган аниқликлардан бири вазирилик, ташкилот, корхона, агентлик ва муассасалар қошида ахборот (матбуот) хизматининг ташкил этилиши бўлди. Бунга Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги "Давлат ва

ҳўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан асос солинди. Кейинчалик, яъни 2014 йилда қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун кенг жамоатчиликнинг диққат-эътиборини айна шу масалага қаратди. Бу юрtdошларимизни зарур ахборот билан таъминлаш, уларнинг ахборот олиш ва ундан фойдаланиш маданиятини шакллантириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Лутфулла Сувонов, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гуруҳ раҳбари:

— Ушбу қонун кучга киргандан буён фондимиз қошида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизмати ходимлари малакасини ошириш юзасидан доимий фаолият юритувчи курс иш олиб бормоқда. 70 дан ортик турли идораларнинг ахборот хизмати ходимлари касбий маҳоратини ошириш мақсадида фондимиз анжуманлар залида 100 нафарга яқин ахборот хизмати вакиллари малака оширди. Ўқув курсларида 4 та алоҳида долзарб масалага эътибор қаратилди: "Ахборот хизматлари ишини тақомиллаштириш, фаолият самардорлигини оширишнинг назарий ва амалий аспектлари", "Ахборот хизматлари томонидан жамоатчилик ва ОАВ вакиллари учун тадбирлар ташкил этишнинг самарали услублари", "Ташкилотнинг ижобий имижини шакллантиришда жамоатчилик билан ишлаш — PR", "Ахборот хизматлари фаолиятида интернет технологияларини қўллаш". Аслида, тингловчилар учун бу мавзулар янгилик эмас, мақсадимиз семинар-тренингда уларнинг касбий салоҳиятини янада оширишдан иборат.

Ахборот хизматини ташкил этиш осондек туюлса ҳам, унинг ўзига хос мураккабликлари йўқ эмас. Бун-

га масъул ходим ҳамisha ўз билим ва тажрибасини бойитиб бориши керак. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) кўмаги билан "Жойларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматларининг ОАВ билан ҳамкорлик қилиш бўйича салоҳиятини тақомиллаштириш" мавзусига бағишланган халқаро лойиҳаси ана шу мақсадни қамраб олди. Қарши шаҳрида (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари) ҳамда Тошкент шаҳрида (Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари ходимлари учун "Худудий ахборот хизматларининг салоҳияти ва ҳамкорлигини ошириш масалалари" мавзусида семинар-тренинг ўтказилиб, 60 нафар ахборот хизмати ходимини жалб этдик.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида "Худудий давлат органлари ахборот хизматлари ва ОАВнинг салоҳиятини ошириш" лойиҳаси доирасида Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона, Андижон, Тошкент вилоятлари ҳамда марказий босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида фаолият юритиб келаётган ходимлар малакасини ошириш бўйича хорижий экспертлар иштирокида семинар-тренинг ташкил этдик. Семинар-тренингда ЕХХТ экспертлари Германия ва Қозғистондан таклиф қилинган Криста Хамэль ва Ольга Грозная иштирок этиб, 50 нафарлик журналистлар аудиториясига қизиқарли мавзуларини тақдим этдилар.

Журналистика соҳасида ўтказилаётган кўплаб кўрик-танловлар қаторига "Илмнинг энг яхши ахборот хизмати" танловининг киритилиши бу борадаги муҳим қадам бўлди. Ғолибларга фондимизнинг қимматбаҳо совғалари ва махсус дипломлари топширилмоқда.

Дунёда кечаётган глобал ўзгаришлар шу даражада кўпки, уларни бир вақтнинг ўзида бир-варакайга қабул қилиш, таҳлил этишнинг имкони йўқ. Таъкидлаб ўтганимиздек, нафақат оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган журналистлар, балки ҳар бир кишида матбуот саводхонлиги шаклланиши керак. Ахборот хизмати имкониятларини тақомиллаштириш эса "тўртинчи ҳокимият" вакиллари касбий салоҳиятини юксалтириб, зamon билан ҳамқадам ва ҳамнафас бўлишга чорлайди.

Хулқар Тўйманова, "Ma'rifat" муҳбири

Муаллифлардан бири

"Ma'rifat"га сир коқмоқда:

— Алло, тахририятми? Мен электрон почтангизга китобхонлиқни ривожлантириш бўйича мақола юборган эдим, шунинг эълон қилиш мумкинми?

— Кўлёмангиз билан танишиб чиқайлик, жавобини айтаман. Эртага кўнғироқ қилинг.

Тахририятимизга ҳаяжон билан сир коқайтган муаллифни хушмуомалалик билан тинчлантириб, кўлёманлар орасидан унинг мактубини излашга тушамиз. Қалингина папка турли вилоятлардан келган муаллифларнинг хатларига тўла. Тўғриси айтганда, газетада чоп этишга ярайдигани — санокли. Ўқитувчининг мақоласига кўз югуртирамиз. Матнинг асосий қисми китобхонлик маданиятини юксалтиришга тўққинлик қилаётган техник воситалар (ҳаммага маълум ҳақиқат)ни қоралашга бағишланган. Охири хатбошида муаллиф ўз таълим даргоҳида китобхонлик тадбири ўтказганини маълум қилади. Матнинг шу қисмини хабар шаклида тайёрлаб бериш мумкин эди, аммо муаллиф уни кечикиб жўнатган. Табиийки, энди чоп этиб бўлмайди.

Муаллифлардан келган аксарият мақолалар умумий фикр-мулоҳазадан иборат бўлиб, на ўзининг тажрибаси ифодалангани, на янги гап айтилади. "Ярқ" этган фикри бўлса, ўз педагогик фаолияти билан боғланса, ўша кўлёмани тахрир қилиб, газетада чоп этишга тайёрлаймиз. Имкон қадар муаллифлар манфатини устун қўйсак-да, мутлақо талабга жавоб бермайдиган кўлёмалардан воз кечишга мажбурмиз.

Ҳар мактуб ортида муаллиф тақдирини, нуқтаи назари ётади. Таъбир жоиз бўлса, алоҳа бўлимлари ёки электрон почтадан тахририятга жўнатиладиган ҳар бир хат мурожаат шакли бўлиб, уни эътиборсиз қолдиришга ҳаққимиз йўқ. Газета ўз муштарийлари билан асосан хатлар орқали мулоқот ўрнатади. Уларни саралаш зарурати туғилса, "матбуот саводхонлиги" деган мезон кўнғилдан ўтади. Ҳуқуқий, тиббий, математик, техник саводхонлик хусусида кўп ва хўп гапирамиз. Аммо муштарий, тингловчи, томошабинда ОАВ саводхонлигини ошириш масаласи кимнинг зиммасига тушади? Бу вазифани тахририятлар амалга ошириши керакми ёки ҳар бир кишининг айнан ўзига дахлдорми?

Журналист ҳамisha халқнинг орасида юради. Унинг дардини тинглайди, имкон қадар кўмаклашгиси келади. Ён дафтарчасига нималаридир қайд қилаётган ижодкорга айрим кишилар "Бизни тагин "ёмонлаб" ёзиб юборманг!" дея гапиршади. Ёки бунинг акси:

"Бизни ҳам газетангизга би-ир мактаб ёзинг!". Ҳар икки ҳолат журналистга жуда эриш туюлади, аммо ҳамкасбларимиз сир бой бермай, индамай кўя қолишади. Ё бўлмаса, айримлар матбуот соҳасида фаолият юритишингизни эшитиб, "Қайси нашриётда ишлайсиз?", "Фалон, фалон, фалон... газеталарни ҳам сиз чиқарасизми?" деб сўрашади. Бу ҳолат фуқароларимизда матбуот саводхонлиги ўта пастлигини кўрсатади.

Ҳақиқатда эса "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддаси 3-бандига биноан, "Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига биноан ахборотни излаш, олиш, тарқатиш ҳуқуқига эга ҳамда тарқатилаётган ахборотнинг ҳолислиги ва ишончилиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади". Ҳаттоки, зиёлилар қатлами орасида ҳам оммавий ахборот воситалари зиммасига аслида қандай вазифа юклатилганини чуқур тушунадиганлари жуда кам.

Мақола аввалида келтирилган воқеа шунинг кўрсаткичи, тахририятимизга сир коққан педагог ўз дидаги кўра, тахририят талаби бўйича мақола юбордим, бу газетада эълон қилиниши шарт, деб ҳисоблайди. Аммо кундан-кунга, йилдан-йилга ўзгариб, янгиланиб бораётган замонда ҳеч кимга янгилик бермайдиган, жила курси, ўз тажрибаси кўрсатилмаган бундай мақолаларни чоп этишнинг зарурати бормикан? Бир томондан бу уларнинг матбуот нашрларини мунтазам ўқимаслиги, бугунги кунда нима муҳим ёки қандай ёндашув зарурлигини билмаслигидан далолат беради.

Газетамизда чоп қилинаётган материалларнинг деярли 75—80 фоизи чет муаллифлар ҳиссасига тўри келади. Бизга жўнатилаётган мактубларнинг асосий қисмида муаллифлар матбуот саводхонлигини яхши эгалламаганлиги сезилса, яна бир гуруҳида ижодкорлик, мавзунини анча чуқур таҳлил қилиш, тавсия бериш, ўз касбий маҳоратини кўрсата билиш, хулоса тақдим этиш маҳорати кўзга ташланади. Бу тоифада кирувчи муаллифлар матбуот саводхонлигини ўзида шакллантирган, мустақил фикрини тарғиб-ташвиқ этишга қодир, фаол фуқаролик позициясини эгаллаган, деб айтишга тўла асосларимиз бор. Газетамизнинг энг ташаббускор ва изланувчан муаллифларидан бири, тарих фанлари доктори, профессор Абдухалил Мавруловнинг мулоҳазаси таъкидларимизга мос тушади:

2017-yil 24-iyun, № 50 (9011)

Ийд Рамазон, катта-кичик хурсандчилик қилади-ган кун. Ҳазора қишлоғидаги ҳар бир хонадонда улғ айёмга ҳозирлик кўрилувди. 9-умумтаълим мактабининг инглиз тили ўқитувчиси Муҳайё Соатова арафа кунин эрта тонда ҳовлига, дарвоза атрофларига сув селиб, супуришга киришди. Етти яшар қизалоғи Дилноза уйқудан уйғониб, юз-қўлини ювди-да, онасига кўшилди. Ёз кечалари калта, бола уйқуга қонмайди, ухлайверса бўлмасмикан? Бир жиҳатдан эса аёнинг кўнгли ёришади: қиз бола ёшлигидан меҳнат қилиб ўрганса, улғ айём кунларида саранжом-сарийталик, тозалик-озодаликка одатланса, ҳеч қачон панд емайди.

Она-бола бирпасда ҳовли-жойни, дарвоза атрофини ёғ тушса ялағудек ҳолатга келтиришди. Субҳидамда супуриб-сидирилган ҳовлига фойз-барақа ёғилар экан. 10 мингга яқин киши истикомат қилувчи Кармана туманидаги Ҳазора қишлоғида бу ҳикмати ҳар бир хонадонда яши англашади. Кечга яқин кўни-кўшнилар бир-бириникига таом узатишади. "Кўшни ҳақи", деган

— Жорий йил тақвими-нинг 27 майдан бошланган рамазон ойида иймон-эътиқоди мустақкам, тўрт мучаси соғ, ҳаётини ва асрий ақидалар билан ўз умрини безаб келаятган, икки дунё саодатига эришмоқни ният қилган миллионлаб юртдошларимиз ўз сабр-қаноатларини синовдан ўтказиб, 30 кунлик рўза амалини ниҳоясига етказмоқда. Жамики мусулмон оламида инсонлар

Boqiy an'ana

таъм нарсалар буюриладики, кишининг кайфияти чоғ бўлсин. Ушбу кунда оила аъзолари ва қариндош-уруғлар билан дийдорлашиш, хурсандчилик қилиш айёмнинг фойзу баракасина оширади. Ҳайит кунлари силаи раҳм, яъни қариндош-уруғ, куда-андаларни йўқлашнинг аҳамияти яна бир қарра намоён бўлади. Бир-бирдан узоклашиб кетган қариндошлар, айрим аразлашган дўст-яқинлар билан Ҳайит баҳонасида алокани тиклаши, ярашиб олиши лозим.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви оммавий тарзда ва ҳар бир ҳудудда нишонланадиган байрамларни рисоладагидек нишонлаш бўйича ўз чора-тадбирларини белгилайди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган-

Рамазон ҳайити муборак бўлсин!

асрий ақида ўша кун яна бир сидра бўй кўрсатади. Муҳайё ён-атрофидаги хонадонларга ош, бўғирсоқ, чалпак улашиб чиқади. Ўз навбатида улар ҳам муаллиманикига тансиқ таом ва пиширилларини илиншади. Муаллима ота-онаси Шавкат ака ва Зулайхо опани йўқлаш учун алоҳида ҳозирлик кўради. Дийдор ганимат. Ясатиғлик дастурхонга ош тортилади, кексалар тинч ва осуда юртда яшаётганликлари учун шукрона келтиради.

Бутун мусулмон оламида сабр-қаноат, покланиш оий — 30 кунлик рўза ниҳоялаб, кишилар бир-бирини кўт-қўтлашдан, шоду хуррамлик улашадиган Рамазон ҳайити кириб келмоқда. Юртимизнинг қайси вилоят, туман, маҳалла, қишлоқ ёки овулига борманг, хонадонларда ушбу муборак кунни аъло кайфиятда, ёруғ юз билан кутиб олишга тараддуд кўрилганига гувоҳ бўламиз. Тинч, осойишта, барқарор мамлакатда байрам нишонланса, кишилар бир-бирига яхшилик илинса, бунга тенг келадиган савоб борми?

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 20 июндаги «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарори бутун халқимиз томонидан кечкиз мамнуният билан қабул қилинди. Ушбу қарор истиқлол йилларида халқимизнинг асрий анъана ва қадриятлари нечоғлик юртдошларимиз қалбига янада яқинлашгани, ҳаётининг ажралмас бир қисмига айланиб бораётганидан далолат беради. Собик шўро даврида эскилик саркити ёки бидат деб қораланган, аслида, халқимиз турмуш тарзининг тағ-замирдан жой олган расм-русумлар қайта тикланди.

Жалолдин Холмўминов, "Кўқалдош" ўрта махсус ислом билим юрти ўқитувчиси:

Ҳайит айёмини дилда бир олам қувонч билан қарши олишади. Бир-бирига ҳади-лар улашилади, муҳтож инсонлар, қариндош-уруғлар ҳолидан хабар олиниб, ўтганлар ёд этилади. Ҳайит — хурсандчилик, Шундай бўлган, бунга зид ҳолатлар бўлмаслиги керак. Баъзан ўтган марҳумлар учун мотам тутиш, уч кунгача келиб-кетувчиларни кузатиш маросими ҳам гувоҳ бўламизки, бу ислом динида бидъат ҳисобланади. Савоб-гуноҳ ишларининг ажри намоён бўладиган ой, дея таърифланувчи моҳи рамазонда инсон маълум муддатлик сабр-қаноат синовидан сўнг яқинлари даврасида улғ айёмни нишонлаши буюрилган. Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан бериладиган фатвода юртимиздаги мавжуд 2 мингта масжидда ўша кун тонгда Ҳайит назозини ўқиш, ибодатда Яратгандан юртимизга тинчлик, осойишталик, ёшларга инсоф-диёнат, қарияларга иймон саломатлигини тилаш кўрсатилади. Жомеъ масжидлари имом-хатиблари барча фуқароларни ҳидоят қилувчи маъруза ўқийдики, бундан тегишли хулоса чиқариш зарур. Ҳайит назозиндан сўнг бева-бечоралар ҳолидан хабар олиш, эҳтиёжманд кишиларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш, болаларга ҳайитлик соғвалари улашиш анъанаси шаклланди.

Рамазон ҳайити исломдаги энг муқаддас байрамлардан бири ҳисобланиб, бағрикенглик, биродарлик ва раҳм-шафқат рамзи ҳисобланади. Аввало, ҳайит кунини улғулаш учун ҳар бир мусулмон тайёргарлик кўради. Муборак кун арафасида тозалик аҳамият қаратиб, уй бекалари ўз уйини ва унинг атрофини супуриб-сидиради, чиндиқларни тозалайди.

Ҳайитга энг яхши қийимларни кийиш, иложи бўлса, янгисини сотиб олиш мустаҳабдир. Хушбўй ва хуш-

лари фаоллари томонидан ҳайитни баҳамжиҳатлик билан, батариб ва ортиқча дабдабаларсиз ўтказишга эътибор қаратилади.

Шавкат Жаңикулов, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари:

— Республикаимиздаги мавжуд 9766 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида халқимизнинг асрий қадриятлари кўзга ташланади. Рамазон ҳайитини хурсандчилик билан қарши олаётган маҳалладошлар, аввало, миллий урф-одатларга ҳурмат билан қараладиган юртда яшаётганлиги учун шукроналик келтирмоқда. Маҳалларимизда бошқа миллий байрамлар қатори Рамазон ва Курбон ҳайитларининг оммавий равишда нишонланиши жуда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Ҳайит айёмини муносиб тарзда нишонлаш бўйича Президентимиз қарори бу куннинг ижтимоий аҳамиятини яна ҳам оширади. Кўп қаватли тураржой биноси бўладими, маҳаллами, қайси манзилда яшайдиган қатъи назар, ёш-қари муборак кун билан бир-бирини кўтлайди. Бир-бирига тансиқ таомлар улашиб, яқинлари билан дийдорлашишга шошилади. Қўноғимизда воғжа етиб келаятган ўғил-қиз ва невараларимиз бу анъаналарни кўриб, урф-одатларни ўзлаштириб борадилар.

Дарвоқе, бу йил Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 26 июнь — душанбага тўғри келмоқда. Барча оилаларда ҳайит кенг нишонланади. Ёши улғу қарияларимиз дуога қўл очиб, жаннатмонанд юртимиз тинчлиги ва осойишталигини Яратгандан сўрайдилар. Инсон зоти қадрланиб, эзгулик улғуланадиган барқарор юртимизга кўз тегмасин!

Ҳ.КУЗМЕТОВА

Ботиний хулқнинг сўздаги ифодаси

САЛОМ ОДОБИ

Одоб ва одабийликнинг илк нишонларидан бири — саломлашиш. Салом, шу маънода, ботиний хулқнинг сўздаги ифодаси.

Боланинг тили чиқмасидан қўлини кўксига қўйиб салом беришга интилиши хонадонга бир олам завқ ва қувонч ҳада этади.

— Яна бир марта "ассалом" қилинг, — сўраймиз ундан.

Тили чиққач, жиддий тарзда салом беришни ўргатамиз.

Кечаги чақалоқ энди боғча боласи. Кўчада таниш-нотанишга салом беради.

— Ваалайкум ассалом! — самимият ила алик олган одам миннатдор ҳолда йўлидан тўхтаб одобли болага бошдан-оёқ разм солади:

— Э, баракалла! Ота-онангга раҳмат!

Бола ҳам муқофот олгандай мамнун.

У мактабга чиқди. Илк дарсдаги тарбия мавзуси — салом одоби.

Бошланғич синфдаги ўқувчилар саломлашиш одобида бир-бирдан қолишмайди. Мактабдан ташқарида ҳам улар бу ишда барчага намуна. Салом-алик кичик ва катта орасидаги мулоқотда муҳим бир воситадек. Ёш бола шу орқали катталар билан муносабатда эканлигидан боши осмонда.

Лекин кейинрок...

АҚЛИ "КИРМАГАН" ВА "КИРГАН" БОЛАЛАР

Кўчада суҳбатлашиб кетаямиз. Рўпара келган бир бола салом берди. "Ваалайкум, ассалом!" деди ҳамроҳим. "Одобли экан", — дедим беихтиёр. Шергим эса:

— Э, "ақли кирмаган", — деди кулиб. Таажубландим:

— Ақли кирмаган?

— Ҳали ёш-да. Бир-икки йилча бор. Олтинчи-еттинчи синфларда "ақли киради".

— Тушунмадим?..

— Қара, йигитча келяпти. Салом берармикан?

Қаршимиздан келаятган ўспирин саломсиз ўтиб кетдию, танишимнинг нима демоқчилигини англагандек бўлдим.

— Бунисининг эса "ақли кирган", — деди ўртоғим дардли оҳангда.

Ҳақиқатан шундай. "Ақлини таниган" — катта бўлиб қолган бола энди ўқитувчисининг ё биров таниш-билиши, қавм-қариндошининг ҳурматини жойига қўйма, бегоналарга салом беришни ўзига эп кўрмайди.

БАРЧА ЁШДАГИ ОДАМНИНГ ВАЗИФАСИ

Юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар руҳида муносиб тарбия толган, чин қалбдан ўзгаларга илтифот кўрсатиб, саломлашишни қанда қилмайдиган ёшларимиз ҳам талай.

"Ассалому алайкум" (маъноси "сизга саломатлик тилайман"). Фиқҳий талқинда эса баёни муқаммалроқ: "Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокатуҳ".

Салом — ҳол-аҳвол сўраш дебодаси. Саломлашиш — хуш-фёъллик, маданиятлик аломати. Қалбимиз қаъридан чиқадиган меҳр изҳори.

"Салом — Парвардигор қарзи" деб бежиз айтишмаган.

Салом бериш, фақат ёшларнинг эмас, барча ёшдаги одамларнинг вазифасидир. Ҳам эшитиладиган, ҳам кўзга кўринадиган ботиний зийнат. Ҳар доим, ҳар кун такрорланса-да, қадри тушмайдиган, оҳори тўқилмайдиган сўз!

Минг афсуски, кишилар орасида салом бермайдиган, саломга жавоб қайтармайдиган такаббурлар ҳам мавжуд.

САЛОМИ МУАЛЛАҚ ҚОЛГАН БОЛАКАЙ

Салом бор, алик йўқ...

Салом берган, айниқса, ёш бола бўлса руҳи тушади. Ҳафсаласи пир бўлади! Менсимай саломини ҳавода муаллақ қолдирган кимсага ошқора нафрат билан қарайди.

Салом — суннат, унинг жавоби эса — фарз, дейдилар. Салом бериш ё бермаслик сизнинг ишингиз, лекин салом беришдими, жавоб қайтаришингиз шарт!

Муҳаммад ШОДИЙ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИДА

2017-2018 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича қабул эълон қилади

Тест коди	Шифр	Таълим йўналишлари номи	Кундузги						
			Давлат гранти			Тўлов-контракт			Жами
			Ўзбек	рус	Жами	Ўзбек	рус	Жами	
152	511067	Касб таълими: спорт фаолияти	10	5	15	18	7	25	40
152	5210202	Психология (спорт психологияси)	7	3	10	10	5	15	25
152	5610501	Спорт фаолияти: баскетбол	2	1	3	23	9	32	35
152	5610502	Спорт фаолияти: бокс	3	2	5	42	7	49	54
152	5610503	Спорт фаолияти: волейбол	3	1	4	23	10	33	37
152	5610504	Спорт фаолияти: велоспорт	1	1	2	5	3	8	10
152	5610505	Спорт фаолияти: гимнастика	3	2	5	27	9	36	41
152	5610506	Спорт фаолияти: сузиш	2	1	3	15	10	25	28
152	5610507	Спорт фаолияти: енгил атлетика	2	2	4	34	9	43	47
152	5610508	Спорт фаолияти: кўл тўпи	2	1	3	24	8	32	35
152	5610509	Спорт фаолияти: кичибозлик	1	1	2	5	3	8	10
152	5610510	Спорт фаолияти: оғир атлетика	2	1	3	24	8	32	35
152	5610511	Спорт фаолияти: эшак эшиш	2	2	4	12	8	20	24
152	5610512	Спорт фаолияти: теннис	1	1	2	8	6	14	16
152	5610513	Спорт фаолияти: футбол	15	5	20	93	37	130	150
152	5610514	Спорт фаолияти: бадий гимнастика	1	1	2	14	7	21	23
152	5610515	Спорт фаолияти: дзюдо	1	1	2	12	3	15	17
152	5610516	Спорт фаолияти: эркин кураш	2	1	3	12	3	15	18
152	5610517	Спорт фаолияти: белбоғли кураш	1	1	2	13	3	16	19
152	5610518	Спорт фаолияти: тэквондо (WTF)	1	1	2	9	3	12	14
152	5610519	Спорт фаолияти: самбо	1	1	2	6	2	8	10
152	5610520	Спорт фаолияти: кураш	1	1	2	13	3	16	19
152	5610521	Спорт фаолияти: хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши бўйича (Қорақалпоғистон Республикаси)	1	1	2	3	1	4	6
152	5610522	Спорт фаолияти: хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши бўйича (Андижон)	2	1	3	6	1	7	10
152	5610523	Спорт фаолияти: хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши бўйича (Бухоро)	2	1	3	6	1	7	10
152	5610524	Спорт фаолияти: хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши бўйича (Жиззах)	2	1	3	6	1	7	10
152	5610525	Спорт фаолияти: хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши бўйича (Навоий)	2	1	3	5	2	7	10
152	5610526	Спорт фаолияти: хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши бўйича (Наманган)	2	1	3	6	1	7	10
152	5610527	Спорт фаолияти: хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши бўйича (Самарқанд)	3	2	5	11	2	13	18
152	5610528	Спорт фаолияти: хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши бўйича (Сирдарё)	2	1	3	6	1	7	10
152	5610529	Спорт фаолияти: хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши бўйича (Сурхондарё)	4	1	5	11	2	13	18
152	5610530	Спорт фаолияти: хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши бўйича (Фарғона)	2	1	3	6	1	7	10
152	5610531	Спорт фаолияти: хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши бўйича (Хоразм)	3	1	4	14	2	16	20
152	5610532	Спорт фаолияти: хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши бўйича (Қашқадарё)	3	1	4	11	2	13	17
152	5610533	Спорт фаолияти: хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши бўйича (Тошкент в.)	9	4	13	33	11	44	57
152	5610534	Спорт фаолияти: хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши бўйича (Тошкент шаҳри)	12	4	16	27	11	38	54
152	5610536	Спорт фаолияти: Синхрон сузиш	1	1	2	1	1	2	4
152	5610537	Спорт фаолияти: Бадминтон	1	1	2	3	1	4	6
152	5610538	Спорт фаолияти: Юнон-рум кураши	2	1	3	12	3	15	18
ОТМ бўйича жами:			117	58	175	609	201	810	985

Хужжатлар 15 июндан 15 июлгача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Оқкўрғон кўчаси, 2-уй. Телефон: (0-371) 286-19-50

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг баркамол вояга етиши учун шароит яратиш, ҳуқуқ ва эркинликларини мустақамлашга қаратилган ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.



ОЛИЖАНОБЛИК ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТ

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар Дастурида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўқувчи-ёшлар, жумладан, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида жойларда ички ишлар идоралари томонидан маҳаллалар, таълим муассасалари ҳамда ёшлар фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларда масъуллар билан ҳамкорликда турли салбий иллатларнинг олдини олишга қаратилган давра суҳбатлари, спорт-соғломлаштириш тадбирлари, маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар ўтказилиб келинмоқда.

Тошкент автомобиль ва йўллар коллежида 1-босқич ўқувчилари билан ўтказилган "Олижаноблик — инсоний фазилат" мавзусидаги давра суҳбатига ҳам ана шундай эл севган санъаткорлар Ўзбекистон халқ артистлари Тўти Юсупова ва Эркин Комилов таклиф этилди.

Тадбирни коллеж директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мурабийиси Жасур Қулмухамедов очиб, бундай эзгу инсоний фазилатларни ёшлар қалбига ҳар куни синдириб боришни бугун замоннинг ўзи тақозо этаётгани, шу боис ўқув масканида эрталабки сафла-нишларда олижаноблик, ҳалоллик, тўғрисузлик каби сифатларга эга бўлишнинг фойдали жиҳатлари хусусида тушунтириш ишлари олиб борилаётганини гапириб ўтди.

Ўқув юртининг ҳар бир босқич ва гуруҳларида "Олижаноблик — эзгу фазилат" ўқув курслари ташкил этилиб, ўқувчиларга инсоний фазилатлар мазмун-моҳияти, меҳр-мурувват, ўзаро ҳурмат, ҳамжихатлик, бағрикенглик каби қадриятлар ҳақида атрофлича тушунчалар бериб берилмоқда. Мазкур курс машғулоти умумий дарс жараёнидан ажралган ҳолда ўтказилади. Ўқув курси якунида "Олижаноблик нима?" мавзусида иншолар танлови ўтказилади. Ҳар бир гуруҳдан намунали ёзилган ижодий ишлар сараланиб, рағбатлантириб борилади.

Ўқув йили якунига кўра энг тиришқоқ, интизомли, барча фанларни яхши ўзлаштирган ахлоқий фазилатлари билан тенгдошларига ўрناк бўлган ўқувчиларнинг ота-оналарига "Ташаккурнома" топширилди.

— Одатда ўқув юртига қақришганда фарзандимиз бирон ноҳўя иш қилмадимикан, дея хавотиримиз ошади, — дейди ўқувчи Хуршидбек Восиқовнинг онаси Марғуба опа. — Аммо бугун бу ерга келганимдан хурсандман. Ўғлим тўғрисида мақтов гапларни эшитдим. Фарзандимга пухта билим бергани, юксак маънавиятли қилиб тарбиялагани учун коллеж педагогик жамоасидан миннатдорман.

Ўз навбатида, меҳмонлар ҳам олижаноблик, илм эгаллашнинг фазилатлари ҳақида тўлқинланиб сўзлаб беришди, ўз сўзларини ижро этган образлари орқали намойиш этиб, йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлдилар, ўқувчилар томонидан берилган саволларга ҳаётий мисоллар асосида жавоб қайтардилар.

Абдуҳамит ТўЛАГАНОВ,
шу коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари
Шавкат ЁҚУБОВ,
халқ таълими аълочиси

М.В.ЛОМОНОСОВ НОМИДАГИ МОСКВА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ

2017-2018 ўқув йили учун қабул эълон қилади:

Бакалаврият:

- ➔ Амалий математика ва информатика – 50 ўрин;
- ➔ шу жумладан давлат гранти асосида 20 ўрин;
- ➔ Психология – 50 ўрин;
- ➔ шу жумладан давлат гранти асосида 20 ўрин.

Ҳужжатларни қабул қилиш
2017 йил 20 июндан 10 июлгача.
Кириш имтиҳонлари
2017 йил 11 июлдан 20 июлгача.

Магистратура:

- ➔ Амалий математика ва информатика (магистрлик дастурлари бўйича) – 10 ўрин;
- ➔ шу жумладан давлат гранти асосида 4 ўрин;
- ➔ Психология (магистрлик дастурлари бўйича) – 10 ўрин;
- ➔ шу жумладан давлат гранти асосида 4 ўрин.

Ҳужжатларни қабул қилиш
2017 йил 20 июндан 20 июлгача.
Кириш имтиҳонлари
2017 йил 21 июлдан 25 июлгача.



Топшириладиган ҳужжатлар рўйхати:

- ➔ ариза;
- ➔ рус тилига таржима қилиниб, нотариал тасдиқланган паспорт нусхаси;
- ➔ маълумоти ҳақида давлат намунасидаги ҳужжат (аттестат ёки диплом) нусхаси;
- ➔ 3x4 ўлчамдаги 8 та расм (2017 йилда бош кийимсиз суратга олинган оқ-қора ёки рангли бўлиши лозим).

Ҳужжат топшириш жараёнида:

- ➔ паспорт, маълумоти ҳақида давлат намунасидаги ҳужжатнинг асли бўлиши лозим.

Қабул комиссиясининг иш вақти: 9:00 дан 18:00 гача, дам олиш кунлари ҳам ишлайди. Қўшимча маълумотлар www.msu.uz сайтида.

МДУ филиалининг манзили:

100060, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 22-уй.
Маълумот учун телефонлар: (0-371) 232-28-11, 232-28-22.

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

2017/2018 ўқув йилида бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш учун абитуриентлар қабулини эълон қилади

Шифр	Бакалаврият	Жами	Давлат грантлари асосида			Тўлов-контракт асосида		
			Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:	
				ўзбек	рус		ўзбек	рус
	Тошкент молия институти	720	55	47	8	665	563	102
5111000	Касб таълими:							
5111006	Касб таълими: банк иши	20	3	3		17	17	
5111008	Касб таълими: бухгалтерия ҳисоби ва аудит	15	1	1		14	14	
5111027	Касб таълими: молия	15	1	1		14	14	
5230200	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	40	5	3	2	35	22	13
5230600	Молия	150	5	4	1	145	126	19
5230700	Банк иши	100	5	4	1	95	76	19
5230800	Солиқлар ва солиққа тортиш	60	5	3	2	55	42	13
5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)	100	5	4	1	95	76	19
5231200	Сугурта иши	50	5	4	1	45	26	19
5231300	Пенсия иши	50	5	5		45	45	
5231500	Баҳолаш иши	40	5	5		35	35	
5232000	Давлат бюджетининг газна ижроси	40	5	5		35	35	
5232100	Корпоратив молия	40	5	5		35	35	

Шифр	Магистратура	Жами	Давлат грантлари асосида			Тўлов-контракт асосида		
			Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:	
				ўзбек	рус		ўзбек	рус
	Тошкент молия институти	138	3	3		135	105	30
5A230102	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	8				8	8	
5A230201	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	10				10	10	
5A230601	Давлат молиясини бошқариш	16	1	1		15	11	4
5A230602	Корпоратив молия ва кимматли қоғозлар бозори (соҳалар бўйича)	15	1	1		14	10	4
5A230603	Инвестицияларни бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	13				13	13	
5A230604	Ҳалқаро молия	7				7	4	3
5A230701	Банк иши (фаолият турлари бўйича)	17	1	1		16	11	5
5A230702	Банк ҳисоби ва аудит	14				14	10	4
5A230901	Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	11				11	7	4
5A230902	Аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	12				12	8	4
5A230903	Бюджет ҳисоби ва назорат	6				6	4	2
5A231301	Пенсия иши	5				5	5	
5A231501	Баҳолаш иши ва риэлторлик (объектлар бўйича)	4				4	4	

Бакалаврият таълим йўналиши учун ҳужжатларни қабул қилиш 2017 йил 15 июндан 15 июлгача, магистратура мутахассисликлари учун 2017 йил 1 июлдан 30 июлгача амалга оширилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 60^а-уй. Тел: 234-06-75

Elda aziz

Одам боласи орзу-умидлари ижобат бўлиб, толеи кулган, инсоний-лигини тўлақонли ҳис этган, бахт сурурини топган дамларида чин маънода яшайётганини англайди. Шу боис ҳам умр дегани инсоннинг ёши билан эмас, балки эл-юртга қилган хизмати, ҳаққ ичида топган обрў-эътибори билан азизу муқаррамдир. Таниқли олим, педагог Ибодулла Бойжонов ҳам шундай умри азизлардан.

Оддий этикдўзликдан йирик корхоналар раҳбарлигигача бўлган оғир, ўз навбатида, шарафли йўлни босиб ўтган донишманд отанинг ўғли бўлиш ёш Ибодулланинг елкасига улкан масъулият юклатди. Шу боис ҳам мактаб партасидаёқ ўзининг қизиқувчанлиги, тиришқоклиги, ўта интизомлиги, аёло ўқиши билан тенгдошлари орасида пешқадам юрди. Бу жиҳатлар Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети) да ўқиган кезлари баландроқ бўй кўрсатди. Юрагида сўзи — ҳикмат, умри — ибрат отасига муносиб фарзанд бўлиш иштиёқи жўш урган Ибодулла ҳаётнинг гоят теран фалсафасини ўша онлардан идрок эта бошлади.

Интилувчан йигитни ўз йўли, мустақил ҳаёти кутиб турарди. Оддий ишчи пайти очилган меҳнат дафтарчасига энди салмоқли битиклар туша бошлади: 1972 йилдан Хоразм вилояти ижроия кўмитаси меъморчилик ва қурилиш бўлими гуруҳ раҳбари, бўлим мудир ўринбосари, кейинчалик эса Урганч шаҳар бош архитектори...

Бу гўзал шаҳарнинг равнақи, гуллаб-яшнашида Самандар отанинг хизмати беқийс эди. Ибодулла бундан фахрланар, болалигида отаси ёнида юрганида, ниҳоятда меҳмондўст падарининг дўст-ёрларига югуриб-елиб хизмат қилгани хотирасига муҳрланганди.

Туғилиб ўсган макони ва ота касби меъморликка меҳри баланд Ибодулла Украинанинг Киев қурилиш ва муҳандислик институти аспирантурасига ўқишга кирди. Соҳани мукамал эгаллаш мақсадида тинимсиз изланди. Узлуқсиз илмий ва ижодий фаолият олиб бориб, меъморлик бўйича Хоразмда биринчи фан номзоди бўлди. Урганч шаҳар архитектори вазифасида кечган ўн беш йил-

лик фаолияти ҳаётининг энг ёрқин, нурли саҳифалари бўлиб, уни бор меҳри, билими ва салоҳиятини жонажон Ватанига бахшида этган меъмор сифатида эл-юртга танитди.

Уша кезлари шаҳар кўчаларини пиёда кезар экан, қанчадан-қанча йўл ва кўчалар, кўп қаватли уйлар,

Сермазмун умр ҳикмати

маъмурий бинолар унинг лойиҳаси асосида бунёд этилганидан юраги орзиқар, тўлиб-тошиб ижод қилгиси келар, янги-янги бино ва иншоотлар тарҳи кўз ўнгига намоён бўларди. Шунда англадики, бу гоё ва интилишларни, албатта, китобларга муҳрлаш даркор.

Айни ўша кунлари тажрибали меъмор Урганч қурилиш техникумига раҳбар этиб тайинланди. Кўнгилдаги нақшларни ёш авлод қалбига ҳамда китобларга муҳрлаш имкони туғилди. Ибодулла Бойжонов қарийб йигирма йил ушбу таълим даргоҳида раҳбарлик қилди. Ижод билан фаол шуғулланди.

Бу орада азалий орзулар ушалди. Ватанимиз мустақил бўлиб, юртимиздаги оламшумул янгилаш ва ўзгаришларга монанд равишда таълим масканларига ҳам янги раҳбар кирди. Устоз раҳбарлик қилган таълим даргоҳи қурилиш касб-ҳунар коллежи мақомини олиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Кадрлар салоҳияти оширилиб, ўқув жараёнига янги педагогик технологиялар жорий этила бошланди. Давр билан ҳамқадам, ҳамнафас бўлган устознинг саъй-ҳаракати билан коллеж республикадаги нуфузли ўрта

маҳсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидан бирига айланди.

Юртдаги, инсонлар ҳаётидаги, шаҳару қишлоқлардаги мислсиз ўзгариш ва юксалишлар, ишдаги муваффақиятлар Ибодулла Бойжоновнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Бирин-кетин меъморлик, шаҳарсозлик ҳамда коллеж ҳаётига оид рисоалари дунё юзини кўрди. Айниқса, Урганч давлат университети техник маркази раҳбари, проректори, доценти вазифаларидаги меҳнат фаолияти устозни ҳақиқий илм-маърифат оламига олиб кирди. Бугун унинг муаллифлигидаги юзга

яқин илмий мақола, ўзбек ва рус тилларида чоп этилган "Шаҳар муҳитини меъморий шакллантириш", "Меъморлар маскани", "Шаҳарлар марказини шакллантириш", "Шаҳарларни режалаштиришда транспорт", "Янгилашни йўлида", "Изланишлар самараси", "Мустақиллик меъморлари", "Шаҳарларда пиёдалар фазо макони меъморчилиги", "Саноат корхоналарини меъморий лойиҳалаш" каби йигирмага яқин китобларининг электрон версиялари ҳаҳон бўйлаб соҳа мутахассисларининг малака ва тажрибасини оширишга хизмат қилляпти. Москвалик машҳур академик Борис Рубаченконинг "Биз жамоа бўлиб уйдалай олмаган ишни Ибодулла Бойжонов бир ўзи бажариб, шаҳарсозликда биздан ўзиб кетди", дегани фикримиз исботидир.

Ғоҳида сахармардонларда ё оқшом чоғлари бугунги Урганч кўчаларини сайр қиларкан, икки қирғоғи бетонлаштирилган Шовот канали, муҳташам Ал-Хоразмий кўчаси, халқаро аэропортдан тортиб темир йўл вокзалигача бўлган худуддаги гўзалликдан қалби янада илҳомланади. "Авесто", "Жалолитдин Мангуберди" мажмуалари, Марказий Осиёда ягона "Ёшлик" спорт маж-



муаси, шиддат билан бунёд этилаётган кўп қаватли тураржой бинолари... Буларнинг барчаси истиқлол бахш этган бебаҳо имконият, юртини жондан севган ватандошларимизнинг фидойи меҳнати ва ижоди маҳсули бўлиб, кўзни қувонтиради. Ахир, афсонавий бу туҳфалар Самандар отанинг қўл етмас орзулари эди-ку.

Устознинг қўш табақаси ланг очик дарвозасидан кириб бораркансиз, ораста ва шинам долон ҳамда даҳлиз, компьютер олдида куймаланиб, шошганча нималарнидир ёзаётган олимнинг ёнига етаклайди. Ибодулла ака ҳар доимгидек очик чехра, вужудида жўш урган ғайрат, ўткир нигоҳлари тубида ёлқинланган тафаккур билан сизга пешвоз чиқади.

— Инсон борки, гўзалликка интилиб яшайди. Уз меҳнати билан гўзаллик бунёд этади. Гўзалликка интилган одамнинг кўнгилида эса яхшилик ва эзулик туғён уради. Меъморлар ҳам, том маънода, гўзаллик кашфиётчиларидир, — дейди устознинг чехраси равшан тортиб. — Ҳозир катта ва ички йўлларни тўзатишга эътибор қаратяпмиз. Шунинг баробарида кўчаларни, тураржойлар ва бошқа бинолар, йўлаклар, ариқчалар ва кўкаламзорлаштиришни комплекс лойиҳалаштириш зарур. Яна бир гап: биз миллий ва замонавий меъморлигимиз уйғунлашган лойиҳаларни чет давлатларга экспорт қилиш даврига етиб келдик.

Устознинг қарашлари, нур ёғилиб турган самимий ва салобатли бехтарасига боқиб, ўйлаб қоламан: бахт дегани нима ўзи? Уни қўл билан ушлаб, хидлаб ёки таъминни тотиб бўладими? Бахтнинг шакл-шамойили қанақа? Унинг ранги ва ҳажми қандай? Вазни, салмоғи-чи? Менимча, бахтнинг бўй-бастини Ибодулла Бойжоновга ўхшаган фидойи инсонлар қиёфасида аниқ кўрса бўлади.

Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Хоразм вилояти бўлими раҳбари,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
маданият ходими

Ғамхўр устоз, куюнчак педагог

Ҳаётининг асл мазмунини халққа астойдил хизмат қилишда деб билган, бу эзгу амал учун борлигини бағишлаган инсон, шубҳасиз, энг бахтлидир. Бу йил 75 баҳорни қаршилаган фидойи олим, Гулистон давлат университети "Математика" кафедраси доценти Гулмурод Ғаймнарзов шундай саодатманд инсонлар тоифасига қиради.

Олим 1972 йили Украинада "Функциянинг энг яхши яқинлашиши ва унинг баъзи хоссалари" мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлайди. Сўнг илмий тадқиқотларини Киев, Днепрпетровск, Москва давлат университетларида ҳамда Россия Фанлар академиясида давом эттиради.

Сермаҳсул педагогик Гулмурод Ғаймнарзов фаолияти давомида 200 дан ортиқ илмий ва илмий-услубий изланишларини нашр эттирди. Уларнинг юздан ортиги илмий мақолалар бўлиб, қатор чет тилларда эълон қилинган. Жумладан, АҚШ, Ҳиндистон, Германия, Россия, Украина, Қозғистон, Кирғизистон, Тожикистондаги илмий журналларда тажрибали педагогнинг

қўллаб илмий мақолалари нашр этилиб, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланган. Моҳир педагогнинг илмий кашфиётларини биринчи марта Германиянинг "Zentralblatt fuer matematik" нуфузли илмий журнали таржима қилиб чиқарган.

Гулмурод Ғаймнарзовнинг университет ва педагогик олий таълим бакалаврият талабалари учун яратган учта ўқув қўлланмаси олий таълим муассасаларида дарслик сифатида ўқитилмоқда. Улардан "Функционал анализ курсида масалалар ечиш", "Алгебра ва сонлар назариясидан масалалар ечиш" рисолалари юртимизда ўзбек тилида биринчи марта яратилгани билан эътиборга молик.

"Иктисодиётда математика" ўқув қўлланмаси иктисодиёт, молия ва бошқа олий таълим муассасаларида ўқитилляпти. Олимнинг "Функциянинг силлиқлик модули" номли монографияси университетларда ўқитиладиган




Fanimiz fidoyilari

маҳсус курслар учун яратилган. Гулмурод Ғаймнарзов яратган ўқув қўлланмаларининг давлат таълим дастурларида ўқув адабиёти сифатида кўрсатилгани педагог салоҳиятидан дарак беради.

1993 йили Днепрпетровск шаҳрида бўлиб ўтган математикларнинг халқаро илмий конференциясидаги маърузасини тинглаб, олимнинг илмий ишларига қатор давлатлар академиклари ва профессор-ўқитувчилари юқори баҳо берди ҳамда фандаги янгиликларни яратишда янги метод сифатида баҳолади. Гулмурод Ғаймнарзов "Халқаро фанлар академиясининг доктори" илмий унвонига сазовор бўлди.

Тажрибали педагог илмий тадқиқот ишлари ва ўқув қўлланмаларини яратиш билан бирга республика миқёсида ўтказиладиган Инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси кўргазмаларида фаол қатнашмоқда. Жумладан, 2011 йил ўтказилган Инновацион гоғлар технологиялар ва лойиҳалар IV республика ярмаркасида қатнашиб, бир неча корхоналар билан шартнома тузди. 2012 йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ярмаркада намоёиш этилган "Тригонометрик доира" номли ўқув асбобини ясашда иқтидорли талабаларга раҳбарлик қилди.

Кўп йиллик тажриба соҳиби изчил илмий ва педагогик фаолият билан шуғулланиш баробарида "ГулДУ ахборотномаси" илмий журналнинг физика-математика қисми бўйича эксперт раиси ҳамда тақризчиси ҳисобланади. Шунингдек, узоқ йиллар факультет ўқув-услубий кенгашини бошқарди. Айни пайтда ҳам маъру-



за матнлари, муаммоли маъруза матнлари, ўқув-услубий мажмуалар яратишда физика-математика факультети ўқитувчиларига зарур маслаҳат ва кўрсатмалар бермоқда. Домла яратган китоблар ёш авлодни оқори савияли кадрлар этиб тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга эканини вақтнинг ўзи кўрсатяпти. Бу, шубҳасиз, олимнинг юртимиз ривожига қўшаётган хизмати катталигидан далолатдир.

Мамаражаб ТОЖИЕВ,
педагогика фанлари доктори, профессор
Хусанбой НОРЖИГИТОВ,
физика-математика фанлари номзоди, доцент,
Ашуралӣ БОЙМУРОДОВ



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TASHQI ISHLAR VAZIRLIGI JAHON IQTISODIYATI VA DIPLOMATIYA UNIVERSITETI

2017-2018 ўқув йили учун қуйидаги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қабул эълон қилади:

Бакалаврият таълим йўналишлари

- ➔ 5120700 — Жаҳон сиёсати (минтақалар бўйича)
- ➔ 5231100 — Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (минтақалар ва фаолият турлари бўйича)
- ➔ 5240100 — Юриспруденция (халқаро ҳуқуқий фаолият).

Ҳужжатлар жорий йил 15 июндан 15 июлгача қабул қилинади.

Магистратура мутахассисликлари

- ➔ 5A120701 — Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат
- ➔ 5A231101 — Жаҳон иқтисодиёти (минтақалар ва фаолият турлари бўйича)
- ➔ 5A231102 — Ташқи иқтисодий фаолият (тармоқлар ва фаолият турлари бўйича)
- ➔ 5A240105 — Халқаро ҳуқуқ (соҳалар бўйича)
- ➔ 5A240106 — Дипломатик ва консуллик ҳуқуқи

Ҳужжатлар жорий йил 1 июндан 30 июлгача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54. Тел.: 267-05-84, Факс: 267-09-09 Веб-сайт: www.uwed.uz E-mail: rektorat@uwed.uz

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ VAZIRLIGI

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

2017/2018 ўқув йили учун бакалаврлар тайёрлаш бўйича қабул эълон қилади

2017/2018 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича қабул кўрсаткичларининг таълим йўналишлари ва ўқитиш тиллари бўйича тақсимланиши

Шифр	Таълим йўналишлари	Жами	Давлат грантлари асосида			Тўлов-контракт асосида		
			жами	шу жумладан		жами	шу жумладан	
				ўзбек	рус		ўзбек	рус
5111000	Касбий таълим (тиббий-педагогик иш)	50	10	8	2	40	30	10
5510400	Стоматология	200	40	28	12	160	112	48

2017/2018 ўқув йилида магистр тайёрлаш бўйича қабул кўрсаткичларининг таълим йўналишлари ва ўқитиш тиллари бўйича тақсимланиши

Шифр	Таълим йўналишлари	Жами	Давлат грантлари асосида			Тўлов-контракт асосида		
			Жами	шу жумладан		Жами	шу жумладан	
				ўзбек	рус		ўзбек	рус
5A510401	Стоматология (йўналишлар бўйича)	20	2	1	1	18	15	3

2017/2018 ўқув йилида 5510400 – стоматология бакалавр тайёрлаш бўйича давлат грантлари асосида мақсадли қабул кўрсаткичларининг вилоятлар кесимида тақсимланиши

Республика вилояти	Ажратилган квота	Давлат грантлари асосида			
		жами	шу жумладан		рус
			ўзбек	рус	
Хоразм	6	6	5	1	
Навоий	5	5	4	1	
Сурхондарё	6	6	4	2	
Қашқадарё	6	6	4	2	
Жиззах	5	5	4	1	
Сирдарё	6	6	4	2	
Тошкент	6	6	3	3	
Жами	40	40	28	12	

Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел.: 230-20-72.

Қабул ҳайъати

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети

2017/2018 ўқув йили учун қабул эълон қилади

БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ	Ўринлар сони
➔ Машинасозлик технологияси	200
➔ Энергетика	25
➔ Саноат-ҳўжалик қурилиши ва архитектура	25
➔ Ахборот технологиялари ва саноатда автоматлаштирилган бошқарув тизимлари	100

МАГИСТРАТУРА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ	Ўринлар сони
➔ Мехатроника	25
➔ Саноатда маркетинг	25

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 апрелдаги "Тошкент шаҳрида Турин политехника университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори билан ташкил этилган Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети юқори технологияга асосланган саноат тармоқларига салоҳиятли мутахассислар етказиш бўйича ҳизмат қилади.

Университетдаги ўқув жараёни Италиянинг Турин университети ва халқаро стандартларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад ва вазифаларига мос равишда инглиз тилида олиб борилади. Олий таълим муассасасида талабаларга Италиядан келган юқори малакали профессорлар дарс беришади.

Қабул жараёни қизгин

Этиборли жиҳати, мазкур олий таълим муассасасида ҳужжат топшириш ва кириш имтиҳонлари онлайн тарзда амалга оширилади. Абитурientлар университет сайти орқали онлайн рўйхатдан ўтгач, зарур ҳужжатларни тақдим этишади. Шундан сўнг уларнинг биометрик паспорт маълумотлари ва бармоқ изи сканердан ўтказилиб, маълумотлар базасига киритилади. Тест куни абитурientнинг биометрик маълумотлари базадагиси билан мувофиқ келгандан сўнггина имтиҳонга киритилади. Онлайн имтиҳон жараёни Италиядан келган юқори малакали профессорлар томонидан назорат қилинади. Кириш имтиҳони математика, физика ва мантиққа оид 40 та саволдан иборат бўлиб, тест учун 90 дақиқа вақт берилади. Абитурientлар онлайн тестни яқунлагач, шу вақтнинг ўзида тест натижалари билан танишиши мумкин. Натижаларга кўра жами 100 фойздан 80дан юқори балл тўплаган 35 нафар талабаларга қабул қилинганларга 2-курсдан ўқишни давом эттириш имтиёзи берилади.

Мазкур имтиҳон тизими 2015 йилда йўлга қўйилган бўлиб, имтиҳон жараёнининг шаффофлигини таъминламоқда. Шунинг учун ҳам университетга ҳужжат топширувчилар сони йилдан-йилга ортаятти.

Университет таълим жараёнида ҳам барча имтиҳонларнинг мана шундай очиқ-ошкора ўтказилиши талабанинг юқори билимга эга бўлишига хизмат қилмоқда. Бу йил Ислам Каримов номидаги фонд-танловий ғолибларининг 8 нафари айнан шу таълим муассасаси битирувчилари экани ҳам фикримиз далилидир.

Университетда яратилган шарт-шароитлар самараси ўлароқ, талабалар томонидан ҳозиргача 80 дан ортқ инновацион лойиҳалар ишлаб чиқилди. Улар ясаётган турли янги роботлар эса мамлакатимизда робототехниканинг ривожланишига асос бўлаётти.

Ҳозирга қадар университетни тамомлаган ёш мутахассислар Республика давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар, республикаимиздаги металлургия комбинатлари, "Ўзбек-энерго" АЖ, "Ўзэлтханоат" АК, "Enter Engineering PTE LTD", "Lukoil" компанияси каби нуфузли корхона ва ташкилотларда ишлашмоқда.

Ҳар йили университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари Италия, Германия, Япония, Корея каби давлатларда алмашинув дастури орқали малака оширмоқда. Бундан ташқари, талабалар Европанинг дунёга танилган йирик корхона ва ташкилотларида амалиёт ўтаётти.

Эслатиб ўтамиз, бу йил олий ўқув юртига ҳужжатлар 1 майдан 27 июнга қадар қабул қилинади. Ҳужжатлар топшириш бўйича тўлиқ маълумотларни университетнинг www.poltito.uz сайтидан олиш мумкин.



Муҳтарам юртдошлар!
Барчангизни муборак Рамазон ҳайити
байрами билан самимий қутлаймиз!



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
 2017 йилдан бошлаб "Шарқ юлдузи", "Ёшлик", "Жаҳон адабиёти" журналлари
 ҳамда "Китоб дунёси" газетаси кутубхонаси руқида ўзбек ва жаҳон
 адабиётининг энг сара намуналарини нашр этишни бошлади. Сизга тақдим этилаётган
 ушбу нодир асарлар қалбингизга нур ва маърифат олиб киради, деб ишонамиз.



Мурожаат учун манзил: 100128, Тошкент шаҳри,
 Лабзак кўчаси, 86-уй. Телефонлар: (+99871) 241-83-29. Моб.: (+99895) 144-41-82,
 (+99893) 791-00-70, (+99895) 195-42-42. www.gglit.uz, e-mail: info@gglit.uz.

Маҳсулотлар сертификатланган.
Хизматлар лицензияланган.

Ma'rifat

ТА'СИС
 ETUVCHILAR:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
 Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus
 та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
 Та'лим, fan va madaniyat
 xodimlari kasaba uyushmasi
 Respublika kengashi.

Бosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida
 2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
 Indeks: 149, 150. T-615. Tiraj 51647.
 Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
 qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
 kotibiyat — 233-99-15;
 reklama va marketing bo'limi —
 233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



«Ma'rifat» dan
 materiallarni ko'chirib
 bosish tahririyat ruxsati
 bilan amalga oshirilishi
 shart.

Tahririyatga kelgan
 qo'lyozmalar taqриз
 qilinmaydi va muallifga
 qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
 Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Ў'zA yakuni — 22.50 Topshirildi — 23.40

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
 Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
 Web-site: www.marifat.uz

Disaynerlar:

Malo hat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.

Navbatchi muharrir:

Hasan MO'MINOV.

Navbatchi:

Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

12 456